

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Воспитан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 75—76 (2716—2717)
1994 йил, 30 сентябрь

Тошкент шаҳрида
сотувда баҳоси
1 сўм.

2-БЕТ

ҲАМКОРЛИК САМАРА
БЕРМОҚДА

3-БЕТ

ҲАЁТДАГИ
ЎЗ ЎРНИ

БУГУНГИ СОНДА:

4-БЕТ

СУРОНЛИ ЙИЛЛАР
ШОҲИДИ

5-БЕТ

БУРЧГА
СОДИҚ ҚОЛИБ

8-БЕТ

КЎПКУРАШ
ГОЛИБЛАРИ

Икки жума оралигида

ГУМОН ТЎГРИ ЧИҚДИ

ТОШКЕНТ шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Бесарабской кўча, 58-уйнинг хожатхонасидан 55-60 ёшлардаги Александра исми аёлнинг жасади топилди. Тезкор гуруҳ ходимлари қотилни топиш учун зудлик билан ишга киришди: гумондорлар текширилди, ўрганилди. Тахминлар бориб бир йигитга тақалди. Гумондор қўлга олинди. У шу уйда яшовчи А.В. эди. Тергов пайтида у айбини бўйига олди.

ТУЗОҚҚА ИЛИНДИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидаги "Кўприк" ДАН постида "Ўзбекистон" номли жамоа хўжалиги аъзоси, 1966 йилда туғилган М. А. бошқарувидаги "ТАЗ-21" русумли, 98-69 КИД белгили автомашина тўхтатилиб, текширувдан ўтказилганда унинг ичидан 23 килограмм гиехванд модда (кўкнори) топилди. Олинган манба аниқланмоқда.

АВТОРУЧКА — ТЎППОНЧА

Ховост темир йўл бекатида нақлиёт милицияси ходимлари навбатдаги оператив тадбир ўтказдилар. Натижада Янгирер шаҳрида яшовчи, 1971 йилда туғилган Р. Ф.нинг енидан авторучка шаклидаги 5, 6 мм калибмли ўқотар курол ва шу куролнинг учта мосламаси (ствол) топилди. Энди у бу куролни қаердан олгани ва уни нима мақсадда ўзи билан олиб юрганини терговда айтиб берадиган бўлди.

ЖИНОЯТЧИ ҚОЧОЛМАДИ

Асака туманида яшовчи О. Ўрмонжонов ва Ш. Эшматовлар номаълум ўқотар курол билан жароҳатлангани ҳақидаги шумхабар тезкор гуруҳ аъзоларини йўлга олтирди.

Қилни қирқ ёрадиган осийишталик посбонлари энг шимариб, синчковлик билан иш юритишгани учун ҳам кўп ўтмай жиноятчини аниқлаб, ушладилар. У "Ўзбекистон мустикаллик" жамоа хўжалигида истиқомат қиладиган, бекорчи, 1961 йилда туғилган Ш. Қ. бўлиб чиқди. Ундан далилий ашё сифатида АКВ-9951 рақамли АКМ автомати, бир дона ўқдон ва 17 дона ўқ топилди. Ш. Қ.нинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

ҚАЛЛОБ УШЛАНДИ

Фаргона шаҳридаги Абдулла Қодирий кўчасида жойлашган "Нилуфар" номли Р. Мўминжоновга қарашли бўлган хусусий дўконга кўринишидан оддийгина бир йигит кириб борди. У еқ-бу еққа кўз ташлаб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, сотувчига дўк-нўписа қилишга ўтди. Сўнг дўкондан чиқаётиб, пештахтадаги 500 сўмлик буюмларни ўзи билан олиб кетди. Бу хабарни эшитган осийишталик посбонлари дарров оёққа туришди. Қаллобни аниқлаб топиш тажрибали ходимларга унчалик қийин бўлмади. Натижада кўп ўтмай қаллоб қўлга олинди. У 3-Янгисой кўчасида истиқомат қилувчи, 1970 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Ш. Х. бўлиб чиқди. Қаллоб ўз қилмиши учун ҳадемай суд олдида жавоб беради.

ТАФСИЛОТЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Қибрай туманидаги Мир кўчасида истиқомат қилувчи, Тошкент Авиасозлар ишчиси Б. А. уйда ўзаро жанжал туфайли рафиқаси — М. К.ни уриб ўлдириб қўйди. Қотил ушланди. Жиноят сабаби ўрганилмоқда.

УЙДАГИ ЖАНГОВАР ЎҚЛАР

Термиз шаҳрининг Горький кўчасида истиқомат қиладиган, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1973 йилда туғилган Ж. Х. уйдан 634 грамм қорадори ва 26 дона АКМ автоматининг жанговар ўқлари топилди. Терговни ИИБ олиб бораётир.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ҚАЛБАКИ РУБЛЛАР!

Тошкент шаҳар, Юнусовод туманида жойлашган "Чехра" дўконининг мудири Р. Т. билан Шайхонтохур туманининг Кўкча кўчасида истиқомат қиладиган, бекорчи Р. Г.лар қалбаки 50 минг Россия рублини сотаётганларида ички ишлар ходимлари томонидан ушландилар. Тергов ишлари олиб борилаётир.

РЕЙСДАН ҚОЛДИРИЛДИ

"Самарқанд" аэропортида Россия Федерациясининг Приморский ўлкасидан келган, 1968 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Н. Т. рейсдан қолдирилди. Сабаби, текширув ўтказилаётиб унинг енидан 273373 рақамли АКМ автомати, 2 килограмм гиехванд модда, 300 АҚШ доллари ҳамда 150 минг Россия рубллари топилди.

КУШАНДА

Андижон темир йўл бекатида ички ишлар ходимлари режадаги тезкор тадбирни ўтказдилар. Унда "Андижон — Тошкент" йўналишидаги 657-рақамли поездининг 6-вагонига келаётган йўловчи — Избоскан туманидаги Улуғбек қишлоғида яшовчи, бекорчи, 1966 йилда туғилган Д. Б.нинг енидан 400 грамм кўкнори чиқди. Д. Б.нинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

МАҚСАД БИР — МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Маълумки, "1994 йилги пахта ҳосили йигим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорни амалда тадбиқ этиш учун жойларда тегишли идоралар зарур тадбирларни кўрмоқдалар.

"Ўздавпахтасаноатсотиш" акционерлик уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳам янги пахта ҳосилини тайёрлаш ва қайта ишлаш даврида уни енгиндан пухта муҳофаза қилиш учун ўзаро ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилдилар. Унда шу йилнинг 20 сентябридан 20 октябрга қадар "Ўздавпахтасаноатсотиш" тизимидаги пахта тозалаш (каноп) заводлари ва уларнинг тайёрлов пунктлари, пахта базалари, корхона ва ташкилотларида енгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилиши баён қилинган.

Пахта хом ашёсини ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш даврида енгин хавфсизлигини таъминлаш учун ойлик давомида амалга оширилиши керак бўлган ишлар қарорда батафсил келтириб ўтилган. Шунингдек, "Ўздавпахтасаноатсотиш" акционерлик уюшмасининг тайёрлов ва ишлаб чиқариш бошқармалари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва енгин хавфсизлиги бўлиналари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар "Давлатпахтасаноатсотиш" акционерлик бирлашмалари, пахта тозалаш заводлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб борадиган республика Ички ишлар вазирлиги Енгиндан сақлаш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ИИБ енгиндан сақлаш бошқарма ва бўлимлари, шаҳар-туман давлат енгиндан сақлаш бўлими ва инспекция нозирларининг вазифалари, масъулияти ҳамда жавобгарликлари ҳам ушбу қарорда бирма-бир қайд қилиб ўтилган.

Республика ИИБ ЁСБ енгин хавфсизлиги ойлигининг ўтказилишида фаол қатнашган шаҳар ва туман давлат енгиндан сақлаш бўлими ва нозирлик жамоалари учун урта пул мукофоти таъсис этилган.

Енгин хавфсизлиги ойлигининг якуний натижалари жорий йилнинг ноябрь ойида чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Енгиндан
сақлаш бошқармаси.

КУН ТАРТИБИДА ПАХТА МАВСУМИ

21 СЕНТЯБРЬ кун Фаргона вилояти ҳокимлиги биносида 1994 йилги пахта йигим-терими мавсуми даврида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва пахта ҳосилини йигиб олишда нобудгарчиликка йўл қўймаслик хусусида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда туман ва шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, вилоят деҳқончилик саноати бирлашмаси, Фаргона, Андижон, Наманган вилоятлари ИИБ, вилоятдаги автокорхоналар раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳошимжон Ҳайдаров очиб, пахта мавсумининг бориши, мавжуд муаммолар ва камчиликлар борасида гапириб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан Фаргона вилояти ИИБ ДАН бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Г. Чирков, республика ИИБ ДАН бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги А. Валиев, вилоят прокурори Е. Жалолов, вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Ш. Рўзमतовлар мавсум давомида ички ишлар ходимлари амалга ошираётган тадбирлар ва қилиниши лозим бўлган қатор масалалар борасида гапирдилар.

Йиғилишда республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги Б. Парпиев иштирок этди.

ОМОНЗОДА.



“ҚОРА “ВОЛГА“ ТЎХТАТИЛСИН!”

БУ ВОҚЕА 5 август кун содир бўлди. Соат 15 дан 30 дақиқа ўтганда яқин танишиникида ўтирган Машарип Сотимовнинг қора рангли "ГАЗ-24" машинаси тўсатдан ғойиб бўлиб қолди. Ширин кайфиятда ўтирган Машарипнинг таби анча хиралашди. Атрофини синчковлик билан кўздан кечириб чиқди. Аммо бу билан кўнглидаги ғашлик тарқамади. Милицияга хабар қилиш керак!

У шошилганча Хазорасп тумани ИИБга келди ва навбатчиға бўлган воқеани тушунтирди. Зудлик билан туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Отаназар Абдуллаев ўзи раҳбарлигида тезкор гуруҳ тузди ва ишга киришди. Ҳали машинанинг ғойиб бўлганига кўп вақт бўлмагани тезкор гуруҳ ходимларини янада дадилроқ ва ҳушёрроқ ҳаракат қилишга ундади. Гуруҳ раҳбари вилоят ички ишлар бошқармаси билан уланди ва воқеа тафсилотини уларга етказди. Шу заҳотиёқ алоқа воситалари орқали барча постлар огоҳлантирила бошланди.

Вилоят ИИБнинг ДАН бўлимидан хизмат машинасида эндигина йўлга чиққан Хазорасп туман ДАН бўлими ЙСХ нозир, милиция старшиниси Қаландар Собиров ҳам такрор ва такрор айтилаётган воқеани эшитиб, йўлдаги машиналарни синчковлик билан кўздан кечириб бошлади. Орадан икки-уч дақиқа вақт ўтгач, бояги ўғирланган В 14-80 ХЗ давлат рақамли "Волга" қарама-

қарши томондан пайдо бўлиб қолди. Қаландар катта тезликда келаётган машинани тўхтатишга улгуролмади ва тезда қочоқ изига тушди. У бир неча мартаба машинани тўхтатишни буюрди. Аммо катта тезликда кетаётган "Волга" буйруққа бўйсунмади. Қаландар йўл-йўлакай вилоят ДАН бўлими билан алоқа боғлади ва машина ўғирсини кузатиб келаётганини айтди. Вилоят ДАН бўлими ходими, навбатчи ёрдамчиси ҳам унга қўшилди. Улар биргаликда қочоқни "яхшилиқча" тўхтатишга уриниб кўришди. Лекин ҳаракатлар бефойда кетди. ДАН ходимлари "Волга"ни йўл чеккасиға қисиб тўхтатишга мажбур бўлишди...

— Биз, аввало, милиция старшиниси Қаландар Собировдек ҳушёр, мард ходимларимиз борлигидан фахрланамиз, — дейди Хазорасп туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Отаназар Абдуллаев. — Қолаверса, бизга чет эл машинаси ажратган юқори ташкилотлардан ҳам миннатдормиз. Мана, ўғирлаб кетилган "Волга"ни "Опел" машинаси ёрдамида 35 дақиқа ичида ушладик. Ўғри Хазорасп туманида яшовчи 21 ёшли Ж. Фарҳод бўлиб чиқди.

Х. ЖАББОРОВ,
"Постда" мухбири.
Суратда: Хоразм вилоят Хазорасп тумани ИИБнинг ДАН бўлими ЙСХ нозир, милиция старшиниси Қаландар Собиров хизмат пайтида.

Саъдулла БОБО суратга олган.

5 октябрь — жиноят-қидирув хизмати ходимлари кун

ЖИНОЯТЛАР ИЛДИЗИГА БОЛТА УРИБ

Шу йил 5 октябрда жиноят-қидирув хизмати ташкил этилганига 76 йил ўтди.

Ўтган давр мобайнида мазкур хизмат ходимлари жуда оғир йўлларни босди. Бугун ҳам улар Президентимиз кўрсатмаларини бажариш, еш республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ ва Ватан осойишталигини сақлаш учун жиноятчиликнинг ҳар қандай кўриниши, айниқса, уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Масалан, шу йилнинг ўтган давридагина 1096 та жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди. Бу гуруҳлардаги 2857 та унсув босқинчилик, қотиллик, қароқчилик, товламачилик, машина олиб қочиш, порахўрлик, ўзгалар ҳамда давлат мулкни ўзлаштириш каби жиноятларга қўл уриб келгандилар. Шунингдек, 7500 тага яқин гиёҳвандлик моддалари билан борлиқ жиноят аниқланди.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгани, Президентимизнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига нисбатан алоҳида эътибори туфайли ходимларимизга самаралироқ ишлаш имкони яратилди. Улар бугунги кунда ҳамкасблари тажрибаларини ўрганиш мақсадида хорижий мамлакатларга, ҳам бориб келмоқдалар. Ходимларимиз Туркия, Миср, Германияда малака ошириб қайтдилар.

Маълумки, сўнгги пайтларда уюшган жиноятчилик, гиёҳвандликка қарши кураш жаҳон миқёсидаги долзарб муаммага айланди. Шунинг учун раҳбарларимиз бу борада Эрон, Покистон, Жанубий Корея, Франция, Италия, Германия каби мамлакатлардаги ҳамкасблари

билан тажриба алмашмоқдалар. Шунингдек, бу борада барча ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳам ўзаро шартномалар бор.

Республикамиз бутун-эрта Интерполга аъзо бўлиш арафасида. Чунки мафия, уюшган жиноий гуруҳлар ер юзиде шунчалик томир отганки, уларга қарши бутун халқлар биргаликда курашмаса, яхши самарага эришиш қийин.

Жиноятчиликнинг илдизига болта уришда фақатгина жиноят-қидирув хизматигина эмас, ички ишлар идораларининг ҳамма ходимлари фаол ишламоқдалар. Шунингдек, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ходимларининг ҳамкорликлари алоҳида таъкидлаш лозим. Олиб борган қизгин курашларимиз натижасида бу йил жиноятлар сони анча камайди, очилиши эса ошди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, жиноят-қидирув хизматининг кўп сонли ходимларини бундан буён ҳам жонажон Ватанимиз истиқболи, халқимиз манфаатлари, тинчлик ва осойишталиқни таъминлаш борасида ҳар сафаргидек мардлик, фидойилик, ҳалоллик билан хизмат қилаверади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча жиноят-қидирув хизмати ходимларини касб байрамлари билан табриклаб, машаққатли, лекин шарафли ишларида улкан зафарлар тилайман! Ҳаммаларингизга мустаҳкам сорлиқ ва оилавий бахт ҳаммаша ҳамроҳ бўлсин!

Гафур ТОШМАТОВ,
Ўзбекистон ИИБ Жиноят-қидирув бот бошқармаси бошлиғи,
милиция полковниги.

САМАРАЛИ КУРАШМОҚДАЛАР

Жиноят-қидирув хизмати ходимларининг машаққатли, ўта масъулиятли ишлари ҳақида жуда кўп езиш мумкин. Уларнинг ҳар бир кунини бир қисса деса бўлади.

Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Жиноят-қидирув бўлимида ҳам ана шундай фидойи кишилар халқ, юрт тинчлиги йўлида ҳормай-толмай хизмат қилмоқдалар. Шу ўринда гиёҳвандликка қарши кураш бўлими ходимлари, уларнинг олиб бораётган ишлари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Гиёҳвандликка қарши кураш бўлими 1994 йилнинг апрель ойида ташкил этилди. Мана шу ўтган вақт мобайнида афюн ташувчи ва тарқатувчилардан 515 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик моддалари мусодара қилинди.

Бўлимга жиноят-қидирув бўлимида анча йиллардан буён самарали ва ҳалол меҳнат қилаётган Қурбон Рустамов бошлиқ. У тузган гуруҳ вилоятимизнинг оғули ўсимликлар экиладиган туманларига бориб, ҳар бир қарич ерни синчиклаб қўздан кечирмоқдалар. Жамоатчилик билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, аҳоли ҳам бу муҳим ишдан четда қолмапти. Меҳнаткашлар, айниқса ешлар ўртасида тушунтириш ишлари ўтказилмоқда. Натижаси чакки эмас. Бир неча марта уюштирилган тадбирлар давомида юзлаб гектарлардаги яшил оғу

майдонлари йўқ қилиб ташланди, унинг орзумандлари тегисли жазоларини олдилар.

Шу йилнинг май ойида бошланган “Қорадори-94” тадбири ҳам самарали бўлди. 309 гектардан ошқ майдондаги кўкнор ўсимликлари ўриб ташланди. 850 дан ортиқ фуқаро жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу йилнинг 29 август кунли олиб борилган тезкор ишлар натижасида Самарқанд шаҳар, Панжикент кўчасидаги 27-мактаб енида гиёҳванд модда билан олди-сотди қилаётган бир жиноятчилар тўдаси қўлга туширилиб, улардан 1,2 килограмм “заҳар-заққум” тортиб олинди. 15 сентябрь кунли эса Самарқанд тайёрағида Самарқанд — Москва йўналиши бўйлаб учиги ҳозирланиб турган уч фуқаро ушланди. Маълум бўлишича, улар уч килограммга яқин қорадорини ва бир дон “Калашников” автоматини қисмларга бўлган ҳолда олиб кетаётган эканлар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳар нарсанинг ибтидоси, бошланиши оғир кечади. Албатта, яқинда ташкил этилган гиёҳвандликка қарши кураш бўлими ходимларига осон эмаслиги табиий. Аммо ходимлар ўз вазифаларини сидқидилдан уदдаламоқдалар.

Зебо РИЗАЕВА,
Самарқанд вилояти ИИБ ДАИ бўлими тарғибот ва ташвиқот бўлиминининг инспектори,
милиция лейтенанти.

“Қўриқлаш” хизмати фаолиятдан

1992 йилининг ноябрь ойида Қозғистон Республикасининг Ленин тумани ИИБдан шу туманда яшовчи Чачида Константинога қарашли ВА3-2106 белгилли автомашина номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганлиги хусусида хабар келган эди. Орадан икки йил ўтса ҳамки, бу борадаги текширув ишлари натижа бермаётганди. Қолаверса, ўғирланган машина айнан Чуст туманига келиб қолганини исботловчи бирор бир далил йўқ бўлиб, ташқаридан қараганда бу хабар бутунлай унутилгандек ҳам эди. Бироқ...

Орадан салкам икки йил ўтиб Чуст

бўлими ходимларининг бевосита қўли бор.

Масалан, эрталаб соат тўққизларда Чуст шаҳар шоҳбекатида фуқаро Ш. Тожибоевни номаълум шахс пичоқлаб, тан жароҳати етказгани хусусида хабар келди. Қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция майори Т. Шербадалов ва МҚП навбатчи нозир, милиция лейтенанти О. Мақсудовлар томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида бу жиноятни содир этган гумондор шахс қўлга олинди. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди ва ҳозирда терговни ИИБ терговчиси, милиция катта лейтенанти С. Турдиев олиб бормоқда.

Қўриқлаш бўлими ҳимоясига топширилганда эди бундай ҳолат юз бермаган бўларди. Агар содир этилган тақдирда ҳам масъулият, ҳам кўрилган моддий зарар мулк эгасининг зиммасидан соқит қилинган бўлур эди. Чунки бунинг учун жавобгарликни кўриқлаш бўлими ўз зиммасига олган бўларди-да.

Ўғирлик содир этилди. Қўриқлаш ходимлари: “мулкни бизнинг кўриғимизга топширишмаган эди, ўздан кўрсин”, деб қўл қовуштириб ўтиришмайди ҳеч қачон. Бу нарс улар учун ёт.

Қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция майори Турсунбой Шербадаловнинг бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликда олиб борган фаол суриштирувлари натижасида фуқаро М. Шарипованинг уйда ўғирлик қилган шахс ушланди. У шу шаҳарда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган М. Набихон бўлиб чиқди. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Ҳайрат қишлоғида жойлашган 65-сон дўконда содир этилган ўғирликни очиб бўйича эса туман ИИБда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шулар натижасида ҳамда кўриқлаш бўлими милиционерини Н. Бахриддиновнинг ташаббуси билан мазкур жиноятни содир этган шахс аниқланди. У шу қишлоқда яшовчи, ҳамқишлоқларининг ҳақини билдирмай еб юборишга чоғланган И. Тоҳир экан. Бу шахсга нисбатан ҳам Жиноят Кодексининг 125-модда, 3-банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Шуни айтиш лозимки, кўриқлаш бўлимида олиб борилаётган ишларни ташкиллаштиришда бошлиқ Т. Шербадаловнинг ҳиссаси катта. У ўзининг ташаббускорлик фаолияти билан бўлимдаги иш натижаларини сезиларли даражада оширишга эришмоқда. Мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, бошлиқ ўз вазифасини бажариш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Балки турли хил жиноятларни очишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Бундан ташқари бўлимда янги объектларни кўриққа олиш, шартномаларни қайта тузиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Элшод МИРЗОАДҲАМ ўғли.

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими ходимлари — милиция катта лейтенанти А. Омонов ва Х. Қаландаровлар олиб борган фаол суриштирув ишлари натижасида Ерқашлоқ қишлоғида М. Шухратнинг ҳовлисида ўша машинанинг яроқсиз ҳолга келтирилган кузови кўмиб қўйилган жойидан топилади.

Мазкур факт юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

Бу Чуст тумани ИИБ Қўриқлаш бўлими ходимларининг ҳушёрликлари тасдиқловчи бир мисол, холос.

Қўриқлаш бўлиминининг асосий вазифаси — ўзларига ишониб топширилган мол-мулкни кўриқлашни таъминлаш, пост ҳудудлари ва патруллик йўналишларида жамоат тартибини сақлаш, жиноятнинг олдини олиш ва майда талончиликка қарши курашишдан иборат. Бироқ кўриқлаш бўлиминининг шахсий таркиби бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан ҳамкорликда бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Чуст тумани ИИБ Қўриқлаш бўлими ҳам бундан мустасно эмас.

Бўлим шахсий таркиби давлат, жамоат ва фуқароларнинг шахсий мулкларини ишончли кўриқлаш билан бир қаторда жиноятчиликнинг олдини олиш, очиб ва жамоат тартибини сақлаш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Бу ерда бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлиб, туманда содир этилган кўпгина жиноятларнинг очилишида кўриқлаш

Мол-мулкни кўриқлаш бўлиминининг ҳимоясига топшириш самарали ва ишончли экани хусусида кўп гапирилди. Бу нарс мунтазам равишда ҳаётда исботланиб ҳам турибди. Аммо кўпчилик айнан ўзининггина хатоларидан хулоса чиқаришга ўрганиб қолган эмасми, мазкур гапларга бефарқ қарайди. Аммо кўза кунда эмас, кунда синади, деганларидек барибир бир кун тўғри хулоса чиқариб олишга мажбур бўлади. Ҳаёт шунга мажбур қилади-да. Бироқ, кўрқамизки, ўшанда вақт ўтган бўлмаса...

Чуст тумани Ҳайрат қишлоғида жойлашган аралаш моллар дўконидан қўлфни бузиш йўли билан кечаси 77 килограмм ёғ ўғирлаб кетилади.

Чуст шаҳар Сабзозор маҳалласида яшовчи М. Шарипованинг уйдан ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, номаълум шахслар 2500 сўмлик нарсасини ўғирлаб кетишган.

Агар мазкур дўкон ва хонадон

Суратда: милиция майори Т. Шербадалов МҚПда.

Т. АҲМАДАЛИЕВ олган сурат.

ҚУРОЛЛИ ШАРПА

ДЎСТЛИК тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлиминининг милиционерлари Ш. Ҳақимов ва А. Бекбауловлар кечаси хизматларини ўтаб юрган эдилар. Уларнинг диққатини қоронғуда аланг-жалаң қилиб келаётган шарпа тортиди. Унга яқинлашиб, текшириш учун тўхтатишганда, шарпа тўсатдан қўлидаги катта сумкадан қирқма милтиқ чиқарди ва милиционерларга қарата ўқ узди. Аммо милиция ходимларининг эпчилликлари туфайли ўқ хато кетди. Икки ўртада бўлиб ўтган қисқа олишувдан сўнг номаълум шахс навбатчилик қисмига келтирилди.

Бу ерда аниқланишича, у пахта тозалаш заводида ишловчи Х. К. исмли шахс экан. Унинг сумкасида бир дон РТД-5 жанговар гранатаси ҳам чиқди.

Тергов ишлари олиб борилмоқда.

“ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК”

Қўқон шаҳар ИИБ Қўриқлаш бўлиминининг ҳимоясидеги пайпоқ йиғирув фабрикаси маҳкама милицияси ходимлари қиш яқинлашаётганидан “ташвишга тушган”, одамлар “ғамини еб”, уларнинг оғини иситишни ўйлаётган “раҳмдиллар”ни тез-тез тутиб туришади. Яқинда шу фабрика тракторчиси Р. С. қўлга олинди. У оз эмас, кўп эмас 295 жуфтгина пайпоқ ўғирламоқчи бўлган экан.

ИШТАҲАСИ КАРНАЙ

“Тун” тадбири ўтказилаётган эди. Шайхонтохур тумани ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими милиционерлари ГА3-31029 русумли автомашинани ўғирламоқчи бўлаётган шахсни қўлга олишди. Унча-мунча машинани менсимайдиган иштаҳаси карнай бу жиноятчи устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

ФАБРИКАНИНГ ЎЗ ЎҒИРАНИ

Уйчи тумани ИИБ Қўриқлаш бўлими ходимлари Уйчи ип-йиғирув фабрикаси худудини кўздан кечириб юришган чоғда девор остига яшириб қўйилган иккита қопни кўриб қолишди. Уларга тўлатиб газмол текилган эди. Милиционерлар ўғирлар яшириб қўйган нарсалари учун келишларини билганлари туфайли уларни кута бошлашди. Орадан икки соат ўтиб ўғирлар пайдо бўлишди ва қўлга тушди.

Булар шу фабрикада ишловчи уч йигит бўлиб чиқди.

“АДАШГАН” ҚЎЛ

Қарши шаҳар ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлиминининг милиционерлари, милиция старшинаси М. Оллоеров хизматдан қайтаётган эди. 1-йўналишдаги автобусда кетаётган енида турган кишининг чўнтағига секингина тушаётган бегона қўлни кўриб қолди. “Шап” тутиб олди. Қўл эгаси фуқаро Р. Т. бўлиб чиқди. У Нуриддин исмли йигитнинг чўнтағидан 37 сўм пулни олаётган экан.

И. ШОМУРОДОВ,
милиция лейтенанти.



Тошкент вилоят ИИБга қарашли 2-сонли тақсимлагич-қабулхона милиционер М. Есенбоевнинг лавозими расман навбатчининг ёрдамчиси деб номланади. Унинг вазифаси бу ерга олиб келинаётганларни қабул қилиш ва жойлаштириш, вақти-вақти билан текшириб туришдан иборат.

Лекин у ўз фаолиятини фақат шу билан чекламайди. Бу ердаги саккиз йиллик хизмати давомида у турли тақдирга, катта ва кичик муаммоларга эга бўлган юзлаб кишиларга дуч келди.

Буларнинг ҳаммасидан Мухтор Айтжонович шундай хулосага келди: қабулхонага келтирилган кишиларнинг кўплари бу ерга ўзини ҳимоя қила олмаслиги, ён атрофидаги кишиларга ишончи йўқлиги учун келиб қолган.

Навбатчининг ёрдамчиси Тостан билан қолган кишиларга унинг ўзи ҳам ёрдам бера олишини ҳамкасбларига исботлай олди.

Бир куни қабулхонага янгийўллик дайди Тостан Ю. келтирилди. Есенбоевга унинг қўллари ёқди — қадоқ босган, томирлари ўйнаб кетган қўллар унинг меҳнатсеварлигидан далolat берарди.

Навбатчининг ёрдамчиси Тостан билан гаплашишга қарор қилди. Унинг ўзи ҳам бошига тушган кулфатлар ҳақида сўз очишга қулай фурсат кутаётган экан. Маълум бўлишича, васиятноманинг нотўғри тузилиши оқибатида у ўйсиз қолибди. Турли идораларга мурожаат қилишдан бирорта натижа чиқмабди. Қорин

тўйдириш учун ҳар кимга ёлланиб ишлабди: ишқилиб куни ўтибди.

Мухтор Айтжонович уни иложи борича юпатди, ишга жойлаштириб қўйишга ваъда берди.

Есенбоев Тўзел қишлоғида туғилиб ўсганлиги сабабли кичик ширкатларнинг ҳам раҳбарларини яхши танийди. Улардан бирининг

ҲАЁТДАГИ ЎЗ ЎРНИ

раҳбарига учрашди, иш ҳам тайин бўлди.

Қабулхонанинг айрим ходимлари, айниқса ёшлар, унинг тиниб-тинчимаслигидан таажжубланишар: бутунлай нотаниш кишиларни ишга жойлаш учун югуртишга на ҳожат?

Ҳамкасбларининг саволларига у оддийгина қилиб жавоб беради: "Ўзингизни уларнинг ўрнига қўйиб кўринг. Ўйсиз, ишсиз қолган ҳар қандай кишида ҳаётга бўлган қизиқиш сўнади. Мен эса уни қайтадан алангалатиш учун ҳаракат қиламан. Улар бунга ҳаққидирлар".

Ўз вақтида Есенбоевнинг ёрдамини олган кишилар бугунги кунда уни миннатдорлик билан эсга оладилар,

илиқ мазмундаги хатлар ёзадилар.

Уни Надежда П. ҳам унутмайди. Россиядан ҳеч қандай ҳужжатсиз келган, Ўзбекистонда қариндошлари бўлмаган Надежда қабулхонага келтирилди.

Башанг кийинган ва ўзига оро берган бу аёлнинг тасодиф туйғайли дайдига айлангани кўриниб турарди.

Надежданинг айтишича, у олий маълумотли иқтисодчи экан. Ишга жойлашиш учун Ўзбекистонга келаётганида поездда ҳужжатларини йўқотибди.

Чиндан ҳам, қабулхонанинг расмий сўровига биноан юборилган тасдиқномада Надежда П. Россиянинг вилоятларидан бирида яшаши, олий маълумотли эканлиги кўрсатилган эди.

Қабулхонада ушлаб туриш муддати тугагач, қўлига ҳужжатлари теккан аёл иш топиш қийинлигини айтиб, Есенбоевдан ёрдам беришни илтимос қилди.

Навбатчи ёрдамчиси, очигини айтганда, бунни кутган эди. У сал олдинроқ Пискентга бориб, жамоа ҳўжалигининг раиси бўлиб ишлайдиган дўстига унинг таърифини қилган эди.

Ҳозир Надежда шу ерда ишламоқда, ишдан мамнун. Баъзан Есенбоевга қўнғироқ ҳам қилиб туради. Сўхбат охирида унга албатта миннатдорчилик билдиради.

Ш. АХМЕДОВ,
милиция подполковниги.

ҚИЗ ТАЛАШИБ ЎЛДИ

ҚОЗОН шаҳрида яшовчи 22 яшар Албина А.нинг орзуси серкўёш Ўзбекистонга саёҳат қилиш, айниқса, ўзи тутилган Марғилонни кўриш эди. Марғилонда кимниқига боришни ўйларкан, Қирғулида яшовчи ва ўртадаги алоқалари узилиб кетган холаси эсига тушди.

Шундай қилиб, Албина Ўзбекистонга келгач, Қирғулига жўнади. Қўлидаги адрес бўйича сўраб-суриштириб керакли хонадонни топди. Эшик қўнғирогини босганди, бир йигит чиқди. Албина ундан холасининг эри Николайни сўради.

— Коля бир жойга чиқиб кетувди, ҳозир келиб қолади. Кираверинг, — деди ҳалиги йигит.

Албина ичкарига кирди. Хонада иккинчи бир йигит ҳам ўтирарди. Бу йигитлар Владислав ва Александр бўлиб, Колянинг Бишкек вилоятидаги Чуй туманидан келишган бекорчи жўралари эди. Шу нарсга маълум бўлдики, Албина қидирган бу уйда бошқа кишилар яшашаркан. Фақат уй эгасининг исми ҳам Николай экан.

Албина узр сўраб, кетмоқчи бўлувди, йигитлар унга "Ўтиратуринг, Коля келиб қолса, холангизни топишга ёрдамлашиб юборар" дейишди. Қиз уларга ишонди.

Николай келгач, воқеани унга тушунтиришди.

— Ёрдамлашамиз, бугунча шу ерда тунайқол, — деди у Албинага.

Шу орада йигитлардан бири самогон ва вино топиб келтирди. Стол тузатишди. Ичкиликбозлик бошланди. Албинани алдаб-сулдаб ичириб маст қилиб қўйишди. Сўнгра йигитлар ўртасида Албина талаш бўлиб қолди. Уни олдин Владислав ётоқхонага олиб ўтиб, номуслига теги. Уй эгаси Николай Албинани ундан тортиб олди. Бунга чидамаган Владислав унинг беш жойига пичоқ санчиб ўлдирди.

Жўралар Николайнинг жасадини пастга олиб тушишди-да, ертўлага ташлашди. Шундан кейин Албинани мажбурий равишда Бишкекка олиб кетдилар.

Жиноятчилар бошқа республикага қочган бўлсаларда, жавобгарликдан қутулолмадилар.

Алюков ҒАНИЕВ,
милиция майори.



СУРАТЛИ АХБОРОТ

ҚАШҚАДАРЁ вилоят Ғузор тумани ИИБ участка вакили, милиция лейтенанти З. Дўстмирзаевни кўпинча деҳқон бозорига кўриш мумкин, зеро бозор — у хизмат кўрсатаётган участканинг муҳим қисмини ташкил этади.

Суратда: участка вакили З. Дўстмирзаев қишлоқ меҳнаткашлари билан сўхбатлашмоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол бозорини тўлдириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, экспорт имкониятларини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисидаги қарордан келиб чиқиб бозордаги нарх-навоининг кескин кўтарилишининг олдини олиш, таъминотни яхшилаш учун ўтказилаётган тадбирларда вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳам фаол қатнашмоқда. Шу муносабат билан жойларда "Тозалаш" тадбири муваффақиятли ўтказилмоқда. Дастлабки 5 кунда 1200дан ортиқ ички ишлар ходими жалб қилинди. Тезкор ҳаракатлар натижасида 25 та гувоҳсиз содир этилган жиноят қайд қилиниб, шундан 24 таси очилди. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, тадбирни ўтказиш чоғида қидирувда юрган 4 нафар жиноятчи қўлга олинди, шундан икки нафари жиноятчилик оламида "ном қозонган" шахслардир.

Кўпгина тартиббузарликлар асосан гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчилар гуруҳига тўғри келади. Ана шундай таъқиқланган моддаларни сотишда гумон қилинган 3 нафар шахс ушланди. Улардан 42 килограмм гиёҳвандлик моддаси оlinиб, йўқ қилиб ташланди.

Айрим ўз ҳаменини ўйлаган кимсалар томонидан мўмай даромад орттириш мақсадида

мамлакатимиздан ташқарига ноқонуний равишда товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишга уриниш ҳоллари қайд қилинди, тўртта иш чора кўриш учун тегишли идораларга йўлланди. Тозалов давомида 27 та майда ўғирлик, 107 та майда безорилик ҳоллари қайд қилинди. Жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун 42 та

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

ташкилот, муассаса ва корхоналарга тақдимнома жўнатилади. Оилавий можаро бўйича доимий рўйхатда турган 154 хонадон соҳиблари ва 137 нафар вояга етмаган ўсмирлар билан алоҳида сўхбат ўтказилди. Мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қилганликда назоратга олинган 158 нафар фуқаронинг турмуш тарзи ўрганилди. Улардан икки нафарига ҳужжат тайёрланиб, мажбурий даволаниш (ЛТП) га жўнатилади. Ички ишлар рўйхатида турган 45 нафар гиёҳвандлик билан шугулланган кимса билан якка тартибда иш олиб борилди.

Ҳозирги алгов-далгов дамлардан айрим пулга тузоқ қўйганлар фойдаланиб қолишга уринмоқдалар. Паспорт режими

бўйича 5984 хонадон текширилиб, шундан 368 нафар фуқарога маъмурий далолатнома тузилди.

Оператив тадбир чоғида 133 нафар шахс жамоатчилик жойида спиртли ичимлик ичиб, безорилик содир этгани учун ҳушёрхонага олиб келинди. Улардан 62 нафарига содир этган ҳуқуқбузарлиги бўйича маъмурий далолатнома тузилди.

Қурол-яроғ сақлаш

қондасини бузганлиги учун 11 нафар кимсадан қурол вақтинчалик қайтариб олинди ва зарур ҳужжатлар тузилиб, чора кўриш учун тегишли идораларга жўнатилади.

Енгил табиатли 30 нафар аёл воқеа жойида, гувоҳлар иш-тироқида қўлга оlinиб, шулардан 16 нафарига керакли ҳужжатлар тайёрланиб, тегишли жойларга юборилди.

Ўзбекистонда миллий валютанинг муомалага киритилиши муносабати билан, ички ишлар ходимлари 37 та валюта операциясининг бузилиш ҳолатларини қайд қилдилар. Тадбир чоғида 4 АҚШ доллари, 300 қозоқ тенгеси, 278 минг Россия рублини, 4 миллион 50 минг (сўм-купон), 420 сўм

Қисқа хабарлар

ОШИ ТАТИМАДИ

Президентимизнинг даъвати билан уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашни кучайтирган ҳуқуқ-тартибот ходимлари шу кунларда бир талай ишларни амалга ошираётдилар. Вилоят Ички ишлар бошқармаси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими ходимлари яқинда Нишон тумани нефть маҳсулотлари базасида рўй берган жиноятни фош этадилар. База директори М. Жонибек, омбор мудири Қ. Холмурод, бош ҳисобчи вазифасини бажарувчи О. Нурали ўзаро тил бириктириб, қалбаки ҳужжатлар асосида тумандаги 60-АЁҚ оператори Т. Дилшод билан А-72 русумли 4821 литр бензинни 8 минг сўмга савдолашиб, тумандаги 7-жамоа-ширкат ҳўжалиги ҳайдовчиси Б. Гаффор бошқарувидаги "ГАЗ-52" русумли автомашинада 60-АЁҚШ шаҳобчасига келтириб тўқаётган пайтда ушланди. Текширув ва суриштирув ишлари давом этмоқда.

Ҳа, текин "ош" олгирларга татимади.

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Эҳтиётсизлик ва ўзбошимчалик баъзида катта фалокатни тугдиради. Қамаш тумани 16-автокорхона ҳайдовчиси Мамаражаб Эшназаров 17 август куни ишдан қайтгач, ўз оила аъзолари ва танишларини машинасига ўтказиб, Лангар қишлоғидаги зиёратгоҳга жўнади. Улар кеч соат 22 ларда зиёратгоҳдан қайтиб, Қопчига қишлоғи йўлининг баландликдан тушиш қисмидан транспорт бошқарувини йўқотиб, авария содир этади. Оқибатда турли ешдаги олти нафар йўловчи воқеа жойида ҳаётдан қўз юмишади. Тўққиз нафар йўловчи эса огир тан жароҳати билан туман Марказий шифохонасининг реанимация бўлимига ётқизилади.

Автокорхона раҳбарларининг техникалар устидан назорат қилмаслиги, ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги, ҳайдовчининг эса ўзбошимчалик билан иш тутиши, йўловчиларни ташиш учун жиҳозланмаган автомашинада йўловчиларни ташиш огир оқибатни юзага келтирди. Бундан ҳар бири автокорхона ва базадаги раҳбар ўртоклар тўғри хулоса чиқарадилар деган умиддамиз.

ҚУРОЛ ОЛИНДИ

Ҳеч жойда ишламайдиган Баратовнинг уйи тинтув қилинганди 7,62 калибрли пулемёти ва 55 донна жанговар ўқ топилди. Вилоят Ички ишлар бошқармаси ва вилоят миллий хавфсизлик хизмати ходимлари бу жиноятни фош этди. Айни пайтда текширишни Қарши шаҳар Ички ишлар бошқармасида олиб борилаётир.

ТАЛОНЧИЛАР УШЛАНДИ

Фуқаро Айше Абилвапова уйига қўққисдан ташриф бўлган меҳмонлар дўқ-пўписига ўтдилар. Бундан уй соҳиби довдираб қолди. Тунги талончилар унинг бир донна "Весна" магнитофони, қўлидаги бир донна тилла узуги ва соатини ечиб олиб, воқеа жойидан "қуён" бўлишди. Бироқ, Муборак тумани ИИБ ходимларининг тезкор ҳаракатлари туйғайли талончилар қўлга олиндилар. Улар Х. ва С.лар бўлиб қиди. Талончилар устидан суриштирув ишлари давом этмоқда.

Ҳ. ҲАЙДАРОВ,

Қашқадарё вилояти ИИБ Матбуот гуруҳининг катта нозир,
милиция катта лейтенанти.

Ўзбекистоннинг янги пули ва ўн сом қирғиз пули далилий ашё сифатида қонунбузарлардан олинди. Кўча ва йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларини бузганлиги учун 618 нафар фуқарога маъмурий далолатнома тузилди.

Рейд чоғида бошқа турли жиноятлар ҳам очилди: жорий йилнинг 16 мартага ўтар кечаси, номаълум шахс томонидан Наманган шаҳар, Дўстлик шоҳ-кўчаси, 19-уй, 2-хонадонда истиқомат қилувчи, Савдо уйда сотувчи бўлиб ишловчи Ориф Қосимовга қарашли бўлган уй олдида қаровсиз қолган зангори рангли, М-412 русумли, К 65-17 НА давлат белгилли автомашина ўғирлаб кетилган эди. Мазкур жиноий ишни Совет туманида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган С. Алексей, Д. Виктор ва С. Арсенлар содир этгандлиги аниқланди. Иш юзасидан тергов ишлари бошлаб юборилди.

Бугун биз эътиборингизга юртбошимизнинг халқ фаровонлиги йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларига зид иш тутаётган, ўз шахсий манфаати йўлида ҳар қандай ишлардан тоймайдиган кимсаларнинг қисмати тўғрисида озроқ бўлса-да, маълумот бердик, холос. Вилоятда "Тозалаш" тадбири давом этмоқда.

Ҳайитали ХОЛМИРЗАЕВ,
Наманган вилоят ИИБ ходими.

Галабанинг 50 йиллигига

АНДИЖОН вилоятининг Шахрихон шаҳрида 1923 йили тўқувчи-жунарманд оиласида туғилган Зокир Алиев Фаргона педагогика институти қошидаги бир йиллик курсни битириб, мактабда ишлаб бошлади. Лекин уруш бошланиб қолиб, ўқитувчиликни тўхтатишига тўғри келди.

1942 йил мартда у Совет Армияси сафига қақирилди ва Ставрополда жойлашган Житомир пиеда аскарлар билим юртида тахсил ола бошлади. Душман қўшинлари яқинлашиб қолгани сабабли ўқиш тўхтатилиб, курсантлар турли қисмларга юборилди. Алиев катта сержант унвонида заҳирадаги 15-ўқчи бригадага взвод сардори ёрдамчиси этиб тайинланади. У янги аскарларнинг дастлабки ҳарбий тайёргарлиги билан шуғулланади.

1942 йил сентябрда катта сержант З. Алиев ҳаракатдаги армияга юборилади. У 328-ўқчи дивизия ўқчи полки взвод сардорининг ёрдамчиси сифатида Новороссийск оstonасидаги жангларда қатнашади, ана шу ерда яраланади. 1942 йил октябрдан декабрга қадар Сочи госпиталида даволанади.

1942 йил декабрдан 1945 йил декабрга қадар З. Алиев Эрондаги Шохпур ва Ардабил шаҳарларида хизмат қилади. 1945 йил декабрда у халқ таълими мутахассиси сифатида Иттифоқ ҳукуматининг қарорига мувофиқ Совет Армияси сафларидан бўшатилади. Ўз шаҳрига қайтиб келиб, ўрта мактабда ишлайди.

1947 йил сентябрда З. Алиев партия идораларининг йўлланмаси бўйича ички ишлар идораларида ишлай бошлади, уни СССР ИИБ Тошкент офицерлик мактабига ўқиш

учун юборишади. Уни битиргач, кичик лейтенант унвонини олади. 1949 йил июлидан ИИБ Андижон вилоят бошқармасида тезкор вакил бўлиб ишлай бошлади, бир йилдан сўнг шу вилоятнинг Балиқчи туман милиция бўлими бошлиғи этиб тайинланади.

Туманлар йириклаштирилиши муносабати билан у 1951 йил январда Пахтаобод туман бўлимининг тезкор



вакили этиб тайинланади, кўп ўтмай эса Избоскан туманига юборилади. 1953 йил февралда унга навбатдаги унвон берилиб, лейтенант бўлади.

1953 йил июнида З. Алиев Андижон вилоят Избоскан туман милиция бўлимининг бошлиғи этиб кўтарилди. Бу лавозимда ишларкан, ўзига топширилган вазифани пухта ўзлаштириб, виждонан ишловчи, моҳир тезкор ходим эканлигини кўрсатди. 1956 йил январда унга мили-

ция катта лейтенанти унвони берилди, икки йил давомида Андижон вилоят Норин милиция бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади.

Туманларнинг навбатдаги йириклаштирилиши муносабати билан З. Алиев 1963 йил январда Андижон вилоят жамоат тартибини сақлаш бошқармаси жиноят - қидирув бўлимининг катта тезкор вакили этиб

СУРОНЛИ
ЙИЛЛАР
ШОҲИДИ

тайинланди, ўша йилнинг мартдан эса Андижон вилоят милиция бўлимининг жиноят - қидирув бўлимасига бошлиқ бўлди, 1965 йил июлида Андижон шаҳар милиция бўлими бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланди. Унга майорлик, 1967 йил июнида эса милиция подполковниги унвони берилди.

1969 йил июлида пухта тайёргарлик кўрган ва катта амалий иш тажрибасига эга бўлган ходим сифатида Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ИИБ бошлиғи лавозимига кўтарилди. Қисқа вақт ичида З. Алиев тезкор хизмат фаолиятини анчагина яхшилади ва жиноятчиликка қарши курашни жонлантирди. Туман фаолларининг

кенг доираси билан самарали алоқа ўрнатди. Ўзи раҳбарлик қилаётган бўлим шахсий таркибининг фаолиятини жамоат тартибини сақлаш бўйича вазифаларни бажаришга йўналтирди. Воқеалар юз берган жойларга борди, мураккаб жиноятларни очишда иштирок этди, 1971 йил июнида З. Алиевга милиция полковниги унвони берилди, 1972 йил декабрда эса у "ИИБ хизмат кўрсатган ходими" кўкрак нишони билан тақдирланди.

1973 йил февралда милиция полковниги З. Алиев Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланади, Тошкент шаҳар Миробод туманида тезкор вазиятнинг мураккаблигини ҳисобга олиб, 1974 йил февралда Миробод туман ИИБни бошқара бошлади.

1979 йил январда белгили хизмат муддатини ўтагани ва касаллиги сабабли З. Алиев ички ишлар идораларидан истеъфого чиқди.

Фашизмга қарши уруш йилларидаги фидокорлиги, ички ишлар идораларидаги узоқ йиллик бенуқсон хизмати учун истеъфодаги милиция полковниги З. Алиев II-даражали "Ватан уруши", "Ҳурмат белгиси" орденлари, "Жанговар хизматлари учун", "Германия устидан қозонилган галаба учун" сингари 9 та медаль билан мукофотланган.

1993 йил сентябрда ўзининг етмиш ёшини нишонлаган З. Алиев ҳозир ҳам бардам, ички ишлар идораларида тез-тез меҳмон бўлиб, ўзининг бой ҳаётий ва амалий тажрибасини ёш ходимлар билан баҳам кўрмоқда.

Суратда: истеъфодаги милиция полковниги З. Алиев.

1922 йил июнида Жанубий Қозоғистон вилоятининг Қоратос туманида камбағал деҳқон оиласида туғилган Мейрман Кенжебоев уруш бошланганда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида пахта заводи жамоасининг тавсияси бўйича комсомоллар етакчиси бўлиб ишламоқда эди. 1942 йил май ойида Мейрман армияга қақирилди ва Наманганга кўчириб келтирилган Қизил байроқли Харьков ҳарбий пиедалар билим юртига ўқишга юборилди. Лекин душман ҳужум қилиб келаётгани учун ўқишни давом эттиришнинг иложи бўлмади.

1942 йил августда М. Кенжебоев Волхов фронтга юборилди. У 327-ўқчи дивизиянинг 1090-ўқчи полкида хизмат қила бошлади. Бу дивизия кейинроқ 64-гвардиячи дивизияга айлантирилди.

М. Кенжебоев хизмат қилган дивизия бошқа қисмлар билан бирга душман қўшинлари ҳужумини Ленинград оstonасида тўхтатди, ботқоқликда, йўлсиз, тиззасига сува ботиб жанг қилди.

Қақшатқич жанглар борди. Вороново яқинидаги Круглая рошчада 1942 йил сентябрнинг йигирманчи саналарида айниқса даҳшатли жанглар бўлди. Кенжебоев хизмат қилган взводга ўрмоннинг чап томонидан ҳужумга ўтиш буюрилди. Душман уларни автомат ва миномётлардан

довулдек ўқ отиб қарши олди. Фашистлар бу ерда кучли таянч пунктини барпо этган эдилар.

Взвод жангчилари қўл жангига киришдилар. Мейрман милтиқ найзасини бир фашистга санчди. Ана шу пайтда унинг жанговар дўсти Александр Павловга ўқ тегди. Взвод

БЕОРОМ
ҚАЛБ

сардори ҳам ҳалок бўлди.

Взводга сардорлиқни М. Кенжебоев ўз қўлига олди. Лекин кўп ўтмасдан ўзи ҳам қорни ва сонидан оғир яраланди. Уни ва бошқа яраланган жангчиларни жанг майдонидан рус қизи — санитар Валья олиб чиқди.

Госпиталда даволанаётган Мейрман унинг дивизияси душман қўшинлари ҳалқасини ёриб ўтиб, Пулково тепалигига чиққанлигини эшитди.

Ана шу жангдаги жасорати учун М. Кенжебоев "Жанговар хизматлари учун" медали билан мукофотланди. Даволаниб чиққандан сўнг у пулемётчилар билим юртида тахсил ола бошлади. Лекин ярадорлиги

сабабли 1943 йил февралда армиядан бўшатилиб ва у Хивага қайтди.

Кўп ўтмай М. Кенжебоев Урганч шаҳар милиция бўлимида оддий милиционер бўлиб хизмат қила бошлади. 1944-1945 йилларда Тошкент милиция мактабининг курсанти бўлди. Ўқишни тугатгач, Хоразм вилоят милиция



бошқармаси жиноят - қидирув бўлимасининг тезкор вакили этиб тайинланди. 1947-1948 йилларда СССР ИИБнинг Тошкентдаги Олий офицерлик мактабига ўқиди. 1949 йил апрелидан М. Кенжебоев Хоразм вилоят милиция бошқармаси бандитизмга қарши кураш бўлимасининг катта тезкор вакили бўлди. 1957 йилдан Бўғот, 1960 йилдан Янгиариқ туман милиция бўлимларини бошқарди.

1963 йилда М. Кенжебоев Сирдарё вилоятига юборилди. Бу ерда Янгиер туман милиция бўлимида ишлади, 1964 йилдан унинг бошлиғи бўлди. 1968 йилда саломатлиги ёмонлашгани сабабли милиция подполковниги М. Кенжебоев ички ишлар идораларидан истеъфого чиқди.

Фашизмга қарши уруш йилларидаги жасорати ва ички ишлар идораларидаги фидокорона хизмати учун М. Кенжебоев I-даражали "Ватан уруши" ордени, 17 медаль, Ўзбекистон КП МК, ЎзССР Олий Кенгаши Раёсати, Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг тўртта Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Милиция подполковниги М. Кенжебоев ҳамон тиниб-тинчимайди. У "Постда" — "На посту" газеталарининг фаол штатсиз мухбиридир. Газета саҳифаларида ўзбекистонликларнинг жанг майдонларидаги жасоратлари ҳақида тез-тез ҳикоя қилади. У ўзи ҳақида эмас, балки жанговар ўртоқлари ҳақида, ана шу қақшатқич жангларда халқларнинг байналмилал дўстлиги галаба қилгани ҳақида ёзади.

Ҳар доим ҳам бардам, беором ва шодмон бўлинг, Мейрман ака!

Р. ҲОШИМОВ.
Суратда: истеъфодаги милиция подполковниги М. Кенжебоев.

ҚУЛФОЧАР

"БУКРИНИ ГҲР тузатади" деганларидек, тошкентлик, эндигина 32 баҳорни қаршилаган Сергей Борисов Тошкент шаҳрининг олий билимгоҳида ёмон ўқимас эди. Нима бўлди Москвага айланиб келишга борди. "Прага" деб аталмиш ресторанда тўйиб спиртли ичимлик ичганидан қандай қилиб бировнинг автоуловига ўтирганини "билмай қолди". Узоқдан автоуловни кузатиб турган милиция ходимлари уни шу заҳоти ушлаб қўлларига кишан солдилар. Сергейни Москва шаҳри Пролетар тумани халқ суди 2,5 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Тошкентга қайтиб келгач, у яна "билмай" бир фуқаронинг чўнтагини тозаламоқчи бўлиб қўл солганида милиция ходимлари ушладилар. Энди Сергейга ўзимизнинг қамоқда ўтириш насиб қилди. Тошкент шаҳар халқ суди аввалги жиноятини ҳисобга олиб 6 йил қамоқ жазоси тайинлади.

Қамоқда у чет элда ишлаб чиқарилган қўлфларни қандай очиш сирларини ўрганди. Бечора отаси учрашувда берган пулларга гиёҳвандлик дорилари олиб, дилхушлик қилди. Қамоқ муддати ҳам тугаб, яна озодликка чиқди. Энди унинг организми гиёҳвандлик дориларини ҳам талаб қилиб турарди. Отаси уни ишга жойлаб қўйди. Аммо гиёҳвандлик дорилари қимматлигидан маошга узоқ ишлай олмади. Шаҳар бўйлаб кезиб, қамоқда ўрганиб келган қўлфларни очиш режасини тузди.

Ишни шаҳарнинг Чилонзор туманидан бошлаб, А. Лижин истиқомат қилувчи 24-уй эшигини ясама калит билан ҳеч қийналмай очди. Гал иккинчи эшикка келганда ўзимизда ишлаб чиқарилган қўлфга "тиши ўтмади". Шунинг учун елкаси билан уриб ошиқ-мошиғидан суғуриб ичкарига кирди. Хонадондан видеомагнитофон, телевизор, япон магнитофони, фотоаппарат ва бошқа кўплаб буюмларни олиб темир эшикни яна қўлфлаб кўчага чиқди. Таксига ўтириб, Тезиков бозори яқинида истиқомат қилувчи лўли танишиниқига борди ва ўлжасини гиёҳвандлик дориларига "бартер" қилди.

Гиёҳвандлик моддаларининг чўғи анча камайиб қолганини кўрган Сергей тагин "ов"га отланиб, шаҳарнинг Пушкин-кўчасидаги Николай Жуковский хонадонига ўғирликка кирди.

Ўғирлик содир этилган уйга етиб келган милиция ходимлари қўлфларни очиш касбини эгаллаганига ишонч ҳосил қилдилар. У ўмариш учун олдиндан келиб, уйнинг ўзи билган қўлфини очиб, ичкаридан қўйилган эшикдаги қўлф тешигига гугурт чўпи тикиб кетаркан. Эрта билан ишга шошилиб турган хонадон эгаси ичкаридаги эшикни калит кирмаганидан қўлфлай олмагач, очиқ қолдириб, ташқаридагисини қўлфлаб кетаркан. Шундан кейин бундай қўлфи бор уйлар назоратга олинди. Аммо Сергей осонликча қўлга тушадианлардан эмас. Барча уриниш ва пистирмалар натижасиз қолаверди. Бу орада Сергей анча-мунча хонадонни ўмариб, ўлжалари эвазига гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилиб, кайфини чоғ қилиб юраверди.

Шаҳарнинг Миробод тумани Ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув ходимлари, ниҳоят, ўғрининг изига тушдилар ва навбатдаги иши устида қўлга олдилар.

Тергов жараёнида 16 та хонадон ўғирликлари фош қилинди. Тошкент шаҳар суди томонидан Сергей Борисовнинг жиноий иши кўриб чиқилиб, у 12,5 йилга озодликдан маҳрум этилди.

И. РАҲИМОВ,
милиция майори.

"ҚУЛОКСИЗ" ЎҒРИБАЧЧАЛАР

ОДАТДА оталар фарзандларига панд-насихат қилиб, уларни яхши йўлга бошлаб, элнинг етук кишилари қилиб тарбиялашга ҳаракат қиладилар. Бироқ беш қўл баравар эмас экан. Ўз фарзандини жиноятга бошлайдиган, ўғли билан бирга қўшилиб жиноят содир этадиган оталар ҳам бўларкан. Солдатский шаҳрлик И. Ё. 1977 йилда туғилган ўғли У. Ч.ни ўғирликка бошлади.

Ота-бола ўғриллар Ч. Ю ҳамда Р. Б.лар билан ҳамкорликда бир неча бор

фуқаролар хонадонларига ҳамда давлат муассасаларига ўғирликка тушдилар. Бу гуруҳ ўз "меҳнат фаолият"ларини ўтган йилнинг июль ойидан бошладилар. Гапни бир жойга қўйган шериклар кечаси Солдатский шаҳрининг "Набережная" кўчасидаги 108-хонадон атрофида ўрналишдилар. Дастлабки "операция" муваффақиятли ўтди. Текин даромад ишқибозлари бу хонадоннинг 50 минг сўмлик мол-мулкни ўмариб кетдилар. Биринчи "ютук"дан руҳланган ўғриллар тез

орада бошқа хонадонга ташриф буюрдилар. Улар бу ердан 25 та товуқни эсон-омон олиб кетишга муваффақ бўлдилар. Кейин бирмунча вақт танаффус қилишди.

Изларини анча совутиб олган ўғриллар сентябрда яна "ов"га чиқишди. Бу сафар улар танқис бўлган маҳсулотлар илинжида касаллар ризқини қийиш учун Солдатский шаҳар Марказий шифохонаси омборини кўздан кечиришди. Бу ердан ҳам бир қоп қанд, бир қоп гуруч ва 72 дона гўшт

консервасини ўмардилар. Яна сал ўтмай Солдатский шаҳар Мухаммедқулов номидаги кўчанинг 163-хонадонидан 85 минг сўмлик мол-мулкни "тинчтиб" кетишди.

Улар одаларига кўра ишда яна "танаффус" қилишга келишган эдилар. Лекин отасининг насихатларига яхши қўлоқ солмаган У. Ч. ва Р. Б.лар "ёш-лик" қилиб қўйишди. Улар етакчилари ва "қария"дан руҳсатсиз бир хонадондан иккита курка ўмаришди-ю, ишнинг пачавасини чиқаришди: қўлга тушиб қолдилар.

Сандғози НЕҒМАТОВ,
милиция подполковниги.

Хизмат жойи — ички қўшинлар

БЎЛИНМАНИНГ
ҚИЁФАСИ

ҚЎШИНЛАРДА аллақачон "бўлинманинг қиёфаси" деган тушунча қарор топган. Уларнинг ҳар биридаги ҳаёт ягона раҳбарий ҳужжатлар асосида ташкил қилинса-да, уларнинг ҳар бири ўз қиёфасига эга. Албатта, у аввало жанговар тайёргарлик, жанговар хизмат вазифаларини бажариш, уюшқоқлик ва интизом даражаси билан белгиланади, лекин ана шу асосий хислатлар билан бошқа кўп нарсалар, жумладан, ҳарбий шахарчининг ташқи кўриниши ҳам боғланган. У ҳам кишиларнинг кайфиятига, бинобарин, улар фаолиятининг натижасига, жамоадаги микроклиматга сезиларли таъсир кўрсатади. Зеро, бинолар, иншоотларнинг ҳарбийларга хос ҳашамсиз ва ўзига хос чиройли кўриниши, уларнинг тоза тутилиши ҳарбий хизматчиларни интизомли бўлишга ўргатади, тартибга, ҳуқуқ-атвор маданиятига риоя қилишга чақиради.

Майор Д. Рустамов бошчилик қилаётган батальон жойлашган ер ана шундай кўринишга эга. Даврон Аббасович билан асфальт йўлак бўйлаб казармага қараб борардик. Баланд дарахлар орасида дам олиш учун айвонча қурилган, унинг яқинида яхшигина спорт шахарчаси бор, қарама-қарши томонда, машқ майдонининг четида бузилиб ётган катта бино кўзга ташланади. "Солдатлар клуби бутунлай яроқсиз ҳолга тушиб қолди,— изоҳ беради сардор.— Янгисини замонавий қилиб қурмоқчимиз".

Жанговар хизматдан бўш вақтнинг катта қисмини ҳарбий хизматчилар казармада ўтказадилар, казарма уларнинг иккинчи уйи бўлиб қолган. Улар казармани ободонлаштириш учун ҳам ҳаракат қилмоқдалар. Аскарнинг озода қийиниши, кийимлари ўзига мос бўлиши, айтиш мумкинки, унинг Ватан олдидаги ҳарбий бурчини бажариш қобилияти ва бунга тайёр эканлигининг кўрсаткичидир. Лекин намунали ташқи кўринишни хошлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Ил ёки игнанинг йўқлигиёқ муаммо тўғдиради.

Батальон старшинаси, прапорщик Ш. Юсуповнинг сая-

ҳаракатлари туфайли маиший хизмат кўрсатиш хонасида дазмоллаш тахталари, дазмол бор. Турли рангдаги иппар, игналар, фурнитура буюмлари — буларнинг ҳаммаси етарли миқдорда мавжуд.

Казарманинг бутун бўйига пояндоз ёзилган, ётоқ хонасига киришдан олдин аскарлар шу ерда, эшик олдида оёқ кийимларини ечиб, шиппак кийиб оладилар. Ётоқ хонасидаги гуллар шинамлик, уй шаронитини яратади. Йўлак охиридаги катта хона дам олиш учун мўлжалланган. Бу ерда шахмат, шашка, телевизор бор — ҳуллас, аскар ўзини уйда деб ҳис этиши учун ҳамма иш қилинган.

Равшанки, казарма аскарлар учун нафақат ҳарбий таълим бериш жойи, балки тарбия бериш жойи ҳам бўлиб қолиши керак, улар ўзларини уй шаронитдан ажралиб қолган деб ҳис этмасликлари лозим. Батальон сардорининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, лейтенант А. Петросян ана шу борада кўп иш қилди. У санъатни севади, расм чизишга иштиёқманд, ўзининг кўп вақтини нафақат ҳарбий шахарчада, балки шахсий таркиб хизмат қиладиган жойларда ҳам хоналарнинг хомаки планларини ишлаб чиқишга сарфлайди.

Аскарларнинг турмушини кишиларнинг кайфияти билан бежиз боғламайдилар. Уни моҳирона, пухта ўйлаб ташкил этиш жанговар хизматнинг масъулиятли ва қизгин вазифаларини самарали ҳамда сифатли бажариш учун барча зарур шарт-шаронитларни барпо этиш демасдир. Матлумки, кишилар ўзларининг иш ва турмуш шаронитларини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрликни ҳис этадиган жойларда яхшироқ, иштиёқ билан меҳнат қиладилар. Сўз юритилаётган батальонда бу борада кўп нарсалар эришилган. Ҳарбий хизматчилар яшаётган шарт-шаронит ва улар жанговар хизматининг натижалари — топирилган объектларни қўриқлаш ишончилигининг кўрсаткичлари ҳам бунга далилдор.

Лейтенант Ш. КАРИМБОВЕ.

ҲАР БИР йигит "маҳорат мактаби"ни ўтиши керак. Армия — ана шундай мактабдир. Фақат шу ердагина у ўзининг кучини, ўзининг руҳиятини текшириши мумкин. Армия хизматида йигитлар улғайиб, бу ерда ҳаётга

бўйича ўтказди. Аскарнинг ўзи бажараётган вазифаси муҳимлигини тушуниб етиши учун ҳаракат қилади. Натижада бўлинмамиз батальондаги энг яхши бўлинмалардан бирига айланди.

ҒАМХЎРЛИК
ҚИЛИШМОҚДА

Йўлланма оладилар. Хизматга келган пайдан бошлаб уни тугатгунарига қадар катта сардорлар улар билан бирга бўлишади, аскарлар улардан ўрнат оладилар.

Мен ана шундай сардорлардан бири — прапорщик А. Романов ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Хизматга янги келган пайтларимда мен доимо унинг тиниб-тинчимаслигидан, аскарларни у ёки бу иш билан қизиқтира олиш маҳоратидан ҳайратга тушардим. Шахсий таркиб билан машгулотларни у алоҳида тизим

Прапорщик Романов бокс бўйича спорт устаси бўлгани учун жисмоний тайёргарликка доир машгулотларда аскарларни ана шу спорт тури билан таништирмоқда. Ҳаётда нималар юз бермайди дейсиз. Ҳар бир киши ўзини ўзи ҳимоя қила олиши керак. Йўл-йўриқ берувчи машгулотларда у ҳуқуқбузарлар қаршилик кўрсатганда патруль ўзини қандай тутиши кераклигини батафсил тушунтиради, Жиноят Мажмуасининг тегишли моддалари билан таништиради.

Сардоримизга ўзининг

қизиқтирувчи саволларни ҳар доим бериш, у билан исталган мавзуда суҳбатлашиш мумкин. Бундай хайрихоҳлик кўп сардорларга хос. Улар орасида қисм сардорининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, капитан Р. Қурбонов ҳам бор — унинг кўмагида ҳар бир байрам ажойиб концерт билан ўтади. "Наврўз" дастаси доимий меҳмонимиз бўлиб қолди. Қурбонов аскарларнинг илтимосларини диққат билан эшитиш, уларни ҳал этиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилишга уринади.

Капитан А. Ҳайдаров, қисм сардорининг хизматдан ташқари ишлар бўйича ўринбосари, прапорщик И. Қодиров, лейтенант А. Шарипов ва бошқа зобитлар ҳамда прапорщиклар биз ҳақимизда, бизнинг келажакимиз тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Уларга мустақил республикаимизнинг фаровонлиги йўлида жон куйдираётганлари учун раҳмат айтамыз.

Кичик сержант Р. КУРМАЕВ.

ЖИСМОНАН ЧИНИҚҚАНЛАР

"Ички қўшинлар — ҳуқуқ-тартибот қўшинлари" — батальонимизнинг шиори ана шундай. Биз ўзимизда оширилган жанговар тайёргарликни, юқори даражада ҳарбий интизомни ва, асосийси, жисмоний хислатларни тарбиялашимиз керак. Бунда бизга аввал взвод сардорлари, прапорщик А. Романов, лейтенантлар А. Шарипов, А. Пўлатов ва бошқалар ёрдам беришмоқда. Жисмоний тарбияга

алоҳида эътибор берилмоқда. Оммавий спорт тадбирлари юқори даражада ўтмоқда. Взводда спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Мусобақада кичик сержант В. Номозовнинг бўлимаси Х. Усмонов сардор бўлган бўлинма устидан барча кўрсаткичлар бўйича ғалаба қозонди.

Сўнгра голиблар кичик сержант Р. Курмаевнинг бўлимаси билан

беллашдилар. Бунда ҳам Б. Номозов йигитларининг жисмонан пухта тайёргарлик кўришганлиги ўз самарасини берди. Улар ғалаба қозондилар. Взводларнинг сардорлари спорт майдончасининг ўзида энчилик кўрсатган, асосийси жисмонан чиниққан ва саботли эканликларини кўрсатган жангчиларни тақдирладилар.

Сержант А. САИДОВ.

ШУНДАЙ
ВЗВОД БОР

Моддий-техника таъминоти взводи бўлинмамизда энг муҳим вазифалардан бирини бажаради.

Унга алоқачилар, ошпазлар, сантехниклар, электриклар киради. Уларнинг ҳар бири ўз постига катта иш қилмоқда.

Масалан, ошпаз С. Абдусаломов Тошкент вилоятининг Чиноз туманидан чақирилган. У нафақат овқатни сифатли тайёрлаш, балки аскарлар хизматдан сўнг ўзларини уйдагидек ҳис қилишлари учун жон куйдиради. Унга бир неча маротаба ташаккур бил-

дирилди.

Бухоро вилоятининг Жондор туманидан чақирилган сантехник Р. Равшанов бўлинманинг шарт-шаронити кўнгилдагидек бўлиши хусусида қайғуради. У сув таъминотининг, қиш пайтида эса — иссиқлик узатилишининг узлуксиз бўлишини кузатиб боради.

Фарғона вилоятилик кичик сержант А. Отахонов, Жиззах вилоятилик кичик сержант С. Нилов ҳам иштиёқ билан хизмат қилишмоқда.

Бизнинг взводимиз ижтимоий-сиёсий, жанговар, жисмоний

тайёргарликда эришган муваффақиятлари учун бир неча марта тақдирланган.

Албатта, буларнинг ҳаммасида взвод сардори, кичик сержант Н. Ражабовнинг хизматлари катта. У ўз қўл остидагиларнинг хизмат фаолиятини пухтали билан назорат қилиб боради, ҳар бир кишига ёрдам бериш учун интилади. Унинг сая-ҳаракатлари туфайли интизом мустаҳкамланмоқда, ўзлаштириш яхшиланмоқда.

Оддий аскар
Д. АНТИПИН.

БУХОРО вилояти ички ишлар бошқармаси ДАН бўлимнинг алоҳида бўлимаси йўл назорати катта нозир, милиция капитани Сайфитдин Урунов ва вилоят ички ишлар бошқармаси ДАН бўлими экология бўлимаси нозир, милиция катта лейтенанти Насриддин Мусоевлар Когон — Қизилтепа йўлининг Куюмазор шағал карьерни яқинида хизмат вазифасини ўтаб турган пайтда йўлнинг чангини осмонга чиқариб, ҳаракат қондаларини қўпол равишда бузиб, катта тезликда келаётган КамАЗ юк машинаси уларнинг диққатини тортди. Машина ҳатто поезд йўлига яқинлашганда ҳам тезликни камайтирмай, қандай келаётган бўлса, шундай ўтиб кетди. Ҳайдовчи милиция катта лейтенанти Насриддин Мусоевнинг тўхташ тўғрисидаги кўрсатмасига бўйсунмасдан, машинани унинг устига қараб ҳайдади. С. Урунов чаққонлик билан ҳаммасини четга тортди, фалокатнинг олдини олди. ДАН ходимлари олдида катта тезликда ўтиб кетган машина ҳайдовчисни юзини матернал билан боғлаб олган эди. Ҳайдовчининг бу ҳаракатлари милиция ходимларида шубҳа уйғотди. Улар машинани қандай

бўлмасин тўхтатиб, текшириб кўришга қарор қилишди. Ҳар иккала ходим вақтни ўтказмай зудлик билан С. Уруновнинг "Жигули" машинасига ўтириб, юк машинасининг орқасидан

кетаверди. Чўл шаронитини яхши билмаслик қочоқларга панд берди. КамАЗ шағал карьерига кириб қолди. Орқага қайтишнинг иложи йўқ. Олдинда эса ботқоқлик. Иложсиз

ходимлари қанчалик ҳаракат қилишмасин уларни топа олмадилар. Шунда улар ҳийла ишлатишди. Гўёки қайтиб кетгандек бўлиб, "Жигули"га келиб ўтиришди-да, катта йўлга қараб

Имконияти қолмаган қочоқлар, тақдирга тан бериб, ниҳоят тўхташди. Улар Бухоро тумани "Маданият" жамоа хўжалигида яшовчи, 18-автокорхона ҳайдовчиси Н. Олим ва унинг ҳамқўшлогли, муқаддам судланган С. Идрислар экан. Ҳар иккала фуқаро Х. Розикни ўлдирганликларини, жасадни эса чет жойга элтиб кўмиб келишга кетаётганларини тан олишди. Фуқаронинг ўлдирилиш сабаблари прокуратура томонидан олиб борилаётган тергов давомида аниқланади.

Ўз ҳаётларини хавф остига қолдириб бўлса-да, жиноятчиларни аниқлаб, ушлаган милиция капитани Сайфитдин Урунов, милиция катта лейтенанти Насриддин Мусоев ва инсонийлик бурчларига содиқ қолиб, милиция ходимларига яқиндан ёрдам берган 18-автокорхона ҳайдовчиси Наримон Исмоилов, ХАТП-11 ҳайдовчиси Субхон Сафаров ва Куюмазор шағал карьерни ишчиси Самад Шукуровлар вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг буйруғи билан рағбатлантирилдилар.

Шухрат Қўлдошев,
милиция майори.

БУРЧГА СОДИҚ ҚОЛИБ

тушишди. Ҳайдовчи милиция ходимларининг орқадан келаётганини кўргач, ана тезликни оширди. Йўл назорати ходимлари машинани қувиб ўтишга қанчалик ҳаракат қилмасинлар бунинг иложи бўлмади. Чунки катта юк машинаси уларга йўл бермасдан, йўлда илон изи ясаб, тўхташ тўғрисидаги ишорага парво қилмасдан кетишни давом эттирди. Улар тўғри йўлдан узоққа кетишга имконият йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, кутилмаганда машина рулини ўнқир-чўнқир, юлғунзордан иборат чўлга қараб буришди. Енгил машина учун бундай йўл ноқулай бўлса-да, милиция ходимлари ҳам уларнинг кетидан борншди. Ҳайдовчи ўнқир-чўнқирларга қарамасдан машинани тўғри келган томонга ҳайдаб

қолишгач, ҳайдовчи ва унинг ёнидаги шериги машинадан сакраб тушиб юлғунзор ичига ўзларини уришди. Улар ортдан етиб келган милиция ходимлари дарҳол машинани қўздан кечириншди. Машина кузовидан кийимлари йиртилган, қонга беланган ҳолда эркак кишининг жасадини кўришгач, воқеага тушунган С. Урунов ва Н. Мусоевлар зудлик билан қочоқларни ушлаш режасини тузишди. Н. Мусоев қочоқларнинг ортдан қувиб кетди. С. Урунов карьерда ишлаб турган фуқаролардан машинани қўриқлаб туришини илтимос қилди-да, у ҳам жиноятчиларни қувиб кетди. Қочоқлар жойининг ўнқир-чўнқирлигидан, қалин юлғунзорлигидан фойдаланиб, яшириниб олишди. Милиция

ҳайдаб кетишди. Жиноятчиларнинг бошқа йўлдан қочиб кетишларига имкон йўқ, баринбир катта йўлга чиқишлари керак эди. Милиция ходимлари йўлга чиқиб олишгач, йўлдан ўтаётган КамАЗ машинасини тўхтатиб, воқеани қисқа қилиб ҳайдовчига тушунтириб, ёрдам беришни сўрашди. Милиция катта лейтенанти Н. Мусоев КамАЗ машинасига, милиция капитани С. Урунов эса икки фуқарони ўз машинасига ўтказиб қочоқларни излашга тушишди. Жиноятчилар милиция ходимлари кетиб қолди деб ўйлаб, катта йўл томонга қараб кела бошлашди. Милиция ходимлари ўзлари ва ёрдамга келишган фуқаролар билан биргаликда уларни икки томондан ўраб олишди.

ЭРТАЛАБКИ СОАТ тўртда, гавжум кўчаларнинг бирида фожа юз берди. Юқори тезликда келаётган номаълум машина маст кампирни уриб юборди ва кўздан ғойиб бўлди. Полиция инспектори Мейзликка зудлик билан айбдорни аниқлаш топширилди. Турган гапки, еш инспектор бу ишга вақтни ўтказмай жиддий киришди.

— Демак, — деди Мейзлик 141-номерли полиция хизматчисига, — сиз уч юз метр нарида елиб келаётган машинани, ерда ётган, мажақланган гавдани кўрдингиз. Хўш, кўрган заҳоти, биринчи навбатда нима иш қилдингиз?

— Ўша заҳоти жабрланувчига ердამга шошилдим.

— Биринчи навбатда машина

керакки, фожага ҳайдовчи айбдор. Эрта тонгда серкатнов кўча деярли бўм-бўш эди. Агар ҳайдовчи озгина тезликни камайтирганида, мудҳиш воқеа юз бермаган бўларди.

— Фожа содир бўлган жойдан узокдამидингиз?

— Деярли ўн кадамча нарида эдик. Мен дўстимни уйига кузатиб қўяётган эдим. Биз энди-гина кўчани кесиб ўтмоқчи бўлиб тургандик.

— Дўстингиз? Ҳм... Ким у дўстингиз? Бу ерда унинг исм-шарифи ёзилмаган-ку?

— Дўстим — шоир Ярослав Нерад, — деди гурур билан гувоҳ. — Лекин ундан бирор нима билиш амри маҳол.

— Нега энди? Неге дўстингиз учун бунчалик ишонч билан

номерли полиция хизматчиси шоир Ярослав Нераднинг эшигини тақиллатди.

— Уйда, — деди эшикни очган уй бекаси, — ухляпти.

Шоир уйку ўчмаган кўзлари билан полиция ходимиға ҳайрон бўлиб қаради. Хаелидан «Қандай айб қилиб қўйган бўлишим мумкин?» деган фикр ўтди. Полиция хизматчиси ташрифнинг сабабини тушунтиргандан кейингина кўнгли ўрнига тушди.

— Полиция маҳкамасига боришим шартми? — сўради шоир кийина туриб, — барибир, ҳозир мен ҳеч нарсани эслай олмайман. Чунки ўша куни биз ўлгудек...

— Биламан, биламан. Ўлгудек ичгансизлар. Мен шоирларнинг ҳаётини яхши биламан — деди полициячи билагонлик қилиб. — Сиз бемалол кийиниб олинг. Мен сизни ташқарида кутиб тураман.

Улар йўл-йўлакай турли мавзуда суҳбатлашиб кетишди. Сиёсатдан ташқари, ҳамма насага, шу жуладан шеъриятга ҳам. Уларнинг дунёқарашлари бир хил чиқиб қолди. Шоир ва полициячи дўстона суҳбатлашиб, полиция маҳкамасига қандай етиб келишганини ҳам сезмай қолишди.

— Шоир Ярослав Нерад сизми? — сўради Мейзлик. — Бугун эрталаб номаълум машина Божена Махачковани уриб кетганига гувоҳлик берасизми?

— Ҳа, — деди хўрсиниб шоир нохуш манзарани эсларкан.

— Қандай машина эканлигини балки сиз айта оларсиз? Ранги қандай, усти очиқмиди ёки епикми? Машинада неча киши бор эди? Машинанинг рақами?

Шоир эслаб кўришга астойдил уринди. Бир неча дақиқалик жимликдан сўнг:

— Йўқ, — деди афсусланиб, — сўраган нарсаларингизнинг бирортасини ҳам билмайман.

— Наҳотки, бирорта белгисини эслаб қолмаган бўлсангиз? Воқеанинг аниқ тафсилотини айтиб бероларсиз?

— Нималар деяпсиз? Мен умуман тафсилотларга аҳамият бермайман, — деди шоир Мейзликнинг ҳафсаласини пир қилиб.

— Эрталабки воқеа тўғрисида бирор нима айта оларсиз ҳеч бўлмаганда? — кесатди Мейзлик.

— Нима десам экан, — деди шоир пешонасини тириштириб — Эрталабки сокин кўчалар... Узундан узок... Умуман олганда кайфиятга уйғун манзара эди... Қизара бошлаган уфқ... Қизил қон... Ерда ётган аёл гавдаси... Тўхтанг! Тўхтанг! — шоир бирдан сапчиб ўрнидан туриб кетди. — Ахир мен шу лаҳзанинг ўзидаёқ бу ҳақда шеър ёзганман-ку. У шундай деганича чўнтакларини ковлаб, гижимланган ва титилиб кетган қозларни стол устига қўя бошлади.

— Бу эмас... Бу ҳам бошқа... Мана топдим. Мана, худди ўша ҳолатга бағишланган сатрлар.

— Кўрсам майлими? — сўради Мейзлик юмшоқ оҳангда.

— Тўғри, бу шеърни энг яхши шеърларим қаторига қўшолмайман, — деди шоир камтарлиги тутиб. — Лекин... агар истасангиз ўқиб беришим мумкин.

У шундай дея, Мейзликнинг жавобини ҳам кутмай, кўзларини юмганича бошлади:

**Ғира-шира уйлар қатори
Узра созин чалганида тонг,
Яноклари лов-лов ёнар бир
қизнинг.**

**Сиз пойга қўйгансиз
Олис Сингапур томон,
Ўча бошлар шуъласи порлоқ
юлдузининг.**

**О, оққуш бўйин,
Оппок-сийналар,
О, барабан
ва таёқчалар**

— Фожа соҳиб!

— Мана бўлди! — деди шоир ўз илҳомидан қизариб.

— Кечирасиз, мен ҳеч нарса тушунолмадим. Шеърингиз нима тўғрисида битилган ўзи?

— Нима тўғрисида бўларди? Наҳотки тушунмаёпсиз? Ўша фожа тўғрисида-да, — деди шоир Мейзликнинг соддалигидан чинакамига ажабланиб.

— Албатта тушунарсиз, — деди Мейзлик танқидий руҳда. — «Ўн бешинчи июль куни, эрталаб соат 4 да номаълум машина олтимиш яшар маст кампир — Божена Махачковани уриб кетган. Жабрланувчи ҳозир касалхонада ётибди, аҳволи оғир». Сизнинг шеърингизда бу ҳақда бир оғиз ҳам айтилмаган. Мана шунақа, ҳурматли шоир.

— Бу ташқи гаплар, — бўш келмади шоир, — шеърият — бу ички кечинмалар баёни. Шеърият — шоирнинг таассуротларидан туғилган фикр. Бу нарсаларни тушунган одамгина, шеърининг мазмунини тушуна олади.

— Хўп яхши, — деди Мейзлик. — Илтимос, менга ёзганингизни беринг. Раҳмат. Хўш нима ёзилган экан... Мана «Ғира-шира уйлар қатори» нима дегани бу?

— Ўша кўчанинг икки қаторида зич уйлар жойлашган.

— Майли. Кейин... «Созин чалар тонг». Ҳм... «Яноклари лов-лов ёнар бир қизнинг». Кечирасиз, қанақа қиз? Унинг фожага нима алоқаси бор?

— Қизариб келаётган уфқ, — деди шоир.

— А, тушунарли. Яна бир бор узр. «Олис Сингапур томон... Сиз пойга қўйгансиз». Нима, ўша машина, пойга машинасимиди?

— Билмадим. Балки катта тезликда учиб кетаётгани учун, уни шундай атаган бўлишим мумкин.

— Неге энди Сингапур томон? Ё, Олло! Азизим шоир, нима учун айнан Сингапур ахир?

Шоир елка қисди:

— Билмайман. Балки у ерда малайзияликлар яшагани учундир.

— Малайзияликларнинг нима алоқаси бор?!

— Эҳтимол машина жигарранда бўлгандир, — деди ўйланиб шоир. — Малайзияликларнинг ранги ҳам шу рангда... Ҳар ҳолда жигарранда нимадир бўлиши керак. Акс ҳолда, Сингапур қаердан келарди.

— Лекин бошқа гувоҳларнинг айтишича, машина тўқ кўк ранг, еки қора рангда бўлган. Кимнинг кўрсатмасига ишонишим керак?

— Менга ишонинг, — деди шоир дадил. — Менинг таассуротим сатрга битилибдими,

демак меники тўғри.

— «Ўча бошлар шуъласи порлоқ юлдузининг», — дея ўқишда давом этди Мейзлик — «Порлоқ юлдуз» — бу ўша қари алласти бўлса керак?

— Мен аёллар ҳақида бундай деб ёзолмайман. У ахир — Аёл!

— Шундай ҳам дейлик... Бу нима: «Оққуш бўйин»... «...Сийналар»... Қандайдир «Барабану таёқчалар».

— Қани, кўрай-чи, — у томон эгилди шоир. — Булар нимани билдирар экан?

— Мен ҳам шуни билмоқчи эдим. Буларни ёзган — сиз билмасангиз, мен қаердан билай, — деди тоқати тоқ бўла бошлаган Мейзлик кесатишдан яна ўзини тугулмай.

— Ҳозир, ҳозир. Бу образлар менга ниманидир билдираяпти. Айтинг-чи, сизнингча оққуш бўйни 2 рақамига ўхшамайдими?

Шоир Мейзликнинг қўлидан қаламини олиб икки рақамни ёзиб, унга кўрсатди.

— Аҳа! — деди Мейзлик қизиқсиниб, — бу-чи... «Сийналар»...

— Ахир бу 3 рақами-ку. Мана қаранг, иккита ярим юмалоқ шаклдан иборат.

— Энди «Барабан ва таёқчалар» қолди, — деди ҳаяжонланиб Мейзлик.

— «Барабан ва таёқчалар». ...«Барабан ва таёқчалар»... Балки бу 5 рақамидир. — Шоир олдидаги қозга беш рақамини ёзди. — Қаранг! Пастки юмалоги худди барабанга ўхшайди. Устида эса таёқчалари...

— Шундай қилиб, 235, — деди Мейзлик ён дафтариға ёзаркан. — Машинанинг рақами айнан икки юз ўттиз бешлигига ишончингиз қомилми?

— Рақам? Мен ҳеч қандай рақамни пайқаганим йўқ, — деди шоир қатъий, — лекин шунга ўхшаш нимадир бор бўлиши керак, акс ҳолда шундай деб ёзармидим. Буни албатта текшириб кўриш керак. Сиз нима деб ўйлайсиз?

Икки кундан кейин Мейзлик шоир Ярослав Нераднинг уйига келди. Бу гал шоир уйгоқ, ёшгина қизга шеър ўқийётган эди.

— Овора бўлманг, мен атиги бир лаҳзага кирдим, — деди Мейзлик, курси ахтараётган шоирга қараб. — Дарҳақиқат, машинанинг рақами икки юз ўттиз беш экан. Сизга шуни айтмоқчи эдим.

— Қанақа машина? — ажабланди шоир.

— «О, оққуш бўйин, оппок сийналар, О, барабан ва таёқчалар!» — дея оҳангдор гапирди Мейзлик. — Ҳа, айтгандай, Сингапур тўғрисида ҳам ҳақсиз. Машинанинг ранги жигарранг экан.

— Аҳа! — қувониб эслади шоир. — Мана, кўрдингизми, ички кечинмалар баёни ҳар доим тўғри бўлиб чиқади. Хоҳлайсизми, сизга ўзимнинг бир-иккита янги шеъримни ўқиб бераман? Сиз энди уларни албатта тушунасиз.

— Бошқа пайт, — деди шоиб Мейзлик. — Яна шундай ҳодиса юз бериб қолса, сизнинг шеърингизни жон-жон деб эшитаман.

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА
таржимаси.**



рақамига қараш керак эди, — тўнгиллади Мейзлик унинг гапини бўлиб. — Кампир билан эса ундан кейин ҳам шугулланса бўларди... Балки, ўзим ҳам шундай қилган бўлармидим... Хўп, майли. Машина рақамини кўролмай қолдингиз. Бошқа белгилари-чи? Ҳеч бўлмаса, бошқа бирор белгисини илгаб қолгандисиз?

— Менимча, машина қора рангда эди. Тўқ жигаррангмиди, ёки тўқ кўкрангмиди-ей. Ишқилиб, шунга ўхшаш ранг, — миждовланди 141-номерли полиция хизматчиси — орқа трубасидан чиқаётган қуюқ тутундан ҳеч нарса кўриб бўлмади.

— Ана холос! — қўлидаги қаламини стол устига иргитди Мейзлик. — Энди машинани қандай топиш мумкин? Ёки, ҳар бир ҳайдовчининг ёнига бориб «кампиршони сиз босиб кетмаганингиз» деб сўрашим керакми? Хўп, майли, марҳамат қилиб айтинг-чи, энди қандай маслаҳат берасиз?

Полиция хизматчиси елка қисиб қўйди. Сўнг деди:

— Бу фожианинг бир гувоҳини қайд қилиб қўйган эдим. Лекин у ҳам бундан ортиқ бирор нарса қўшимча қилолмайди. У қўшни хонада кутиб ўтирибди. Рухсат берсангиз, чақираман.

— Олиб кириш, — деди Мейзлик тушқун кайфиятда ва олдидаги бир тўп қозонни титкилай бошлади. Хонага кириб келган гувоҳга бошини кўтармай, одат бўлиб қолган саволини такрорлади:

— Исм-шарифингиз? Касбингиз?

— Кралик Ян. Механика факультетининг студенти, — деди гувоҳ ҳам лўнда қилиб.

— Бугун эрталаб, соат тўртда номаълум машина Божена Махачковани уриб кетганига гувоҳмисиз?

— Албатта. Шуни айтишим

гапиряпсиз? — сўради Мейзлик. У ҳозир айбдорни аниқлашга яроқли хатто бирор хасни ҳам қўлдан чиқармоқчи эмас эди.

— Чунки... У шоир. Табиати ҳам шоирона. Тушунасизми? Ўша бахтсиз ҳодиса кўз ўнгимизда рўй берганда, дўстим ўзини йўқотиб, болаларча хўнграб йиғлаб юборди ва уй томон чопганича кетди... Шундай қилиб, биз дўстим билан кўчани кесиб ўтмоқчи бўлиб тургандик. Бирданига қаёқдандир елиб келаётган машина пайдо бўлиб қолди...

— Машина рақами?

— Кечирасиз мен рақамига аҳамият беролмадим. Фақат ҳаддан ташқари юқори тезликда келаётганига эътиборимни қаратиб, ўзимча ўйладим...

— Машинанинг маркаси, ранги?

— Билмайман, — деди хижолатомуз гувоҳ. — Машинанинг ранги, агар янглишмасам қора эди. Умуман, мен майда икир-чикирларга кўп аҳамият бермайман. Айни бахтсиз ҳодиса рўй берган чоғда, мен дўстимга қараб дедим «Қара, қандай ярамас одамлар бор-а. Бир одамни ўлдириб кетса ҳам, хатто бир дақиқага тўхтайдими».

— Ҳа, — деди яна норози тўнгиллаб Мейзлик, — албатта, ҳайдовчининг одамни уриб кетиб, бунинг устига яна машинасини тўхтатмагани табиий — унинг ярамаслигидан. Лекин мени кўпроқ бошқа нарса, одамларнинг нақадар эътиборсизлиги таажжубга солади. Сиз ҳақсиз, фожага ҳайдовчи айбдор. Унинг ярамаслиги ҳақидаги хулосангиз ҳам тўғри. Лекин машина рақамига эътибор бериш, ўша ярамаснинг кимлиги билан қизиқиш хаёлингизга ҳам келмаган. Хўп, хайр, жаноб Кралик. Сизга бошқа саволим йўқ, кетишингиз мумкин.

Бирор соатдан кейин 141-

ЗАПАТТОРИ ЭКРАНДА

Душанба, 3

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Тадбиркорлик мактаби".
18.35 "Сурнай навоси". Суннатилла Қорабоев.
18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 "Телеоператор нигоҳида". Бухоро.
19.40 "Қўшиқ рақса уланса". Розия Абдулхайрова ва Тошпўлат Маткаримов.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 "Истиқлол фидойиси". Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланади.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништирилади:
18.30 "Ўчқун".
19.00 "Нуқтаи назар".
19.25 "Олқишлар".
19.40 "Тақдир".
20.00 "Этибор".
20.15 "Ишқ ранги".
20.30 "Кайфият".
21.00 — 22.00 "Акс-садо".

ЎзТВ III

19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Тараққиёт".
"ОМАД" таништирилади:
20.00 "Совга".
20.30 "4/8". Мусликий кўрсатув.
20.50 "Суперспорт". 1-қисм.
21.20 Ёшлар.
21.25 Видео — "О".
23.00 Ёшлар.
23.05 — 23.15 "Курьер".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Эрнст Неизвестный билан учрашув.
18.45 "Ким аслида ким?" рукни премьераси. XX аср. Ф. Шалапин.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Биз".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Қарама-қаршилик". Хужжатли фильм.
22.35 "Спорт уик-энди".
22.50 — 23.20 1994 йил юлдузлари.

Сешанба, 4

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Кувнок эскадрон". Бадий фильм.
10.05 "Зебо, Зиеда ўйнар". Фильм-концерт.
10.30 Ўқув кўрсатуви. География.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.00 "Жаҳон бўйлаб киносаҳат". Халқаро туризм кўнига бағишланади.
12.40 — 14.40 "Синов даври". Телеканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" устaxonаси.
18.40 "Пул қадри".
18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Таълим ва ислохот". Давра суҳбати.
20.00 Мусликий дақиқалар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 "Оила".
21.45 "Табассум қил". Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшуқуров куйлайди.
22.40 "Серенада", "Ўра". Қисқа метражли бадий фильмлар.
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирилади:
18.30 "Мультифейерверк".
19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.
19.40 "Видеогид".
20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.
20.40 — 22.40 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Ғазалхон ёшлигим".

20.10 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Хиндистон).
21.10 "Телеоператор нигоҳида". Самарқанд.
21.25 Тошкентда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Халқаро семинари.
"Тошкент" студияси таништирилади:
21.55 "Спорт-тайм". Видеоканал.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".
18.00 "Кўхна майдон сирлари".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. С. Дали.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Илк манбадан".
21.50 — 23.30 Ғалабанинг 50 йиллигига. "Тирикларни қорлайман..." Бадий фильм "Солдатлар борарди..." (А. Довженко номли киностудия, 1976 й.).

Чоршанба, 5

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Доктор Абстнинг тажрибаси". Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 Янги алифбони ўрганамиз.
11.45 "Ёшлик" студияси. "Ойдин орзулар".
12.15 Диёр тароналари.
12.45 — 13.50 Болалар театрида: "Яраш — яраш". Йўлдош Ожунбоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ишбилармон".
18.40 "Шеърли дақиқалар". Гулчехра Жўраева.
18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 "Ўзбекона лутф". Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 Замонавий ўзбек кўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.00 Ўзбек киносининг 70 йиллиги олдидан. "Алишер Навоий". Бадий фильм.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништирилади:
18.30 "Ед этиб".
19.10 "Хонадонингизда тинчлик бўлсин!".
20.10 "Коллекция".
20.30 "Қиш таралду".
21.15 "Тошкент оқшомида".
22.15 — 23.30 "Хўроз". Бадий фильм.
ЎзТВ III
19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Ҳазинамиз таянчи".
20.00 "Телеоператор нигоҳида". Лондон.
20.15 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
21.05 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.20 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда".
22.05 "Сиёсий портретга чизгилар". Жон Мейжор.
22.25 "Мусликий саҳат".
22.55 — 23.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. "Ўз-ўзлари ҳақида".
18.30 "Инсон ва қонун". Махсус сони.
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Б. Шоу.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 Россия муаллими.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
22.00 — 23.30 Бадий фильм.

Пайшанба, 6

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"

Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 Инглиз тили.
11.45 "Саломат бўлинг!".
12.05 "Ёркин юлдузлар". Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланади.
12.35 "Севмай бўлурму сизни?..." Мусликий кўрсатув.
13.05 — 13.35 "Ёшлик" студияси. "Имконият излаб".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Санъат гунчалари".
18.30 "Ўсимлик моддалари кимёси" бўйича I халқаро симпозиум.
18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 "Пахтазорга оқшом кўнганда". Кўрсатув ва концерт.
22.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. "Урушнинг тўртинчи йили эди". Бадий фильм.
23.25 — 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирилади:
18.30 "Омад" тақвими.
18.40 "Жозиб".
19.00 "Бир шингил хангома".
19.10 Видео янгиликлари.
19.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.

ЎзТВ III

18.30 "Мультикарусель".
19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Хиндистон).
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
"Тошкент" студияси таништирилади:
21.20 "Эсдалик учун дастхат".
21.50 "Ҳар соҳадан бир шингил".
22.10 "Менинг кўчам".
22.40 — 23.20 "Антенна".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "...16 ешгача ва ундан катталар".
18.30 "Россиянинг мовий дарёси ғарб томон оқмоқда".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Генрих Форд I.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 В. Вульфнинг муаллифлик кўрсатуви. "Кумушранг шар".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 Москва — Кремль".
22.00 — 23.30 Бадий фильм.

Жума, 7

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Чегем хангомаси". Бадий фильм.
10.20 "Бола бошидан..." Мактабгача тарбия масалалари.
10.50 Немис тили.
11.20 "Қафолат".
11.50 "Ёшлар куйлаганда".
12.20 "Бунедкор".
12.50 — 13.50 "Ёшлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Жасур чўпон бола". "Кечикмасдим". Мультифильмлар.
18.25 "Изланиш ва муаммолар".
18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 Бевосита мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мурод Соҳибов куйлайди.
21.30 "Ўзанини топар дарелар".
22.20 "Севги қудрати". Бадий фильм.
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништирилади:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Эсдалик учун дастхат".
19.40 "Кичик дебют". Шухрат Аббосов.
20.00 "Антенна".
20.30 — 22.30 "Кинематограф".
ЎзТВ III
10.00 "Ёшлик" студияси. "Садо".
10.30 "Безнен мирас" (татар тилида).
11.10 "Дўстлик чегара билмайди".
11.40 — 12.20 "Рантинкамон" (тожик тилида).
19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Ёшлик" студияси. "Хайрли оқшом!".
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 Корея Республикаси ташкил топган кўнға.
21.30 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз".

18.30 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.00 "Билиб қўйган яхши".
19.20 "02" тўлкинида.
19.45 "Дехқон химмати".
20.15 — 21.50 "Тирранча". Бадий фильм.

ЎзТВ III

19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Фармон ва унинг ижроси".
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
20.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

"ОМАД" таништирилади:

21.05 "Эм-Ти-Ви"дан муслиқалар.
21.25 "Суперспорт". 2-қисм.
21.55 "Даракчи".
22.05 Ёшлар.
22.10 — 24.00 Видео — "О".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қонун".
18.35 "Хужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Хафтаннинг машҳур киши".
22.00 — 23.00 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 5-серия.

Шанба, 8

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари". Бадий фильм.
10.30 Хужжатли экран.
11.15 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" почтасидан.
12.15 "Ўзбекистон бастакорлари". Мухаммаджон Мирзаев.
13.45 "Шохрух" клуби.
14.15 "Ижод саҳифалари". Неъмат Ёқубов.
14.55 — 15.55 "Сирли сандик" телеўйини.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Ўч қурбақа". Мультифильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. "Қўшигим, жон қўшигим".
18.50 Спорт хабарномаси.
18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 "Истиқбол сари".
19.40 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 Мақсуд Шайхзода. "Мирзо Улуғбек". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг телепремьераси.
23.15 "Тунги егду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирилади:
9.00 "Мультифейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.

11.10 "Кинонигоҳ".
12.50 "Омад" тақвими.
13.00 "Жозиб".
13.20 "Бир шингил хангома".
13.30 Видео янгиликлари.
13.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.
14.40 "Кинонигоҳ".
"Тошкент" студияси таништирилади:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Эсдалик учун дастхат".
19.40 "Кичик дебют". Шухрат Аббосов.
20.00 "Антенна".
20.30 — 22.30 "Кинематограф".
ЎзТВ III
10.00 "Ёшлик" студияси. "Садо".
10.30 "Безнен мирас" (татар тилида).
11.10 "Дўстлик чегара билмайди".
11.40 — 12.20 "Рантинкамон" (тожик тилида).
19.20 "Мультикарусель".
19.30 "Ёшлик" студияси. "Хайрли оқшом!".
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 Корея Республикаси ташкил топган кўнға.
21.30 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз".

22.00 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.15 "Бу ажиб дунё".
22.35 "Анор меваси". Мусаввир Урол Тансиқбоев.
23.15 Ўзбекистон телевидениесига Хитой телевидениеси кўнлари.
23.45 — 24.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.10 "Брейн-ринг".
19.00 "Ўшангача ва ундан сўнг..." Кўрсатувни В. Молчанов олиб боради.
19.55 "Кулги панорамаси".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 — 23.30 Бадий фильм.

Якшанба, 9

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 87 — 88-сериялар.
10.30 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 Бир асар тарихи. Мирмуҳсин. "Темур Малик".
11.45 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувнок стартлар".
12.30 Оилавий ансамбллар телевизион фестивали.
13.05 Цирк! Цирк! Цирк!
13.50 — 14.50 "Хотира". Ўзбекистон халқ артисти Расулқори Мамадалиев.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Лизокова кўчасида яшовчи мушукча". Мультифильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. "Рисолат қиз ўйнасин".
18.35 "Ойна жаҳонда".
18.55 Ёшлар.
19.00 "Хафтаннома" (рус тилида).
19.30 Ёшлар.
19.35 "Якшанба оқшомида". Мусликий кўрсатув.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Хафтаннома".
21.00 Ёшлар.
21.05 "Тановар" миллий ракс ансамблининг "Севги нидоси" номли ракс спектакли.
22.15 ЎзТВ хазиначисидан. "Фотима". Бадий фильм.
23.50 — 00.20 "Хафтаннома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништирилади:
17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Мусликий кўрсатув.
17.50 "Суперспорт".
18.10 Ёшлар.
18.15 Видео — "О".
19.45 Ёшлар.
19.50 "Курьер".
20.10 "... Яна об-ҳаво ҳақида".
20.20 Хафталик шарҳ.
20.30 "Эм-Ти-Ви" муслиқаси.
20.50 Ёшлар.
20.55 "Суперспорт".
21.25 "Юлдузлар жилоси". Мусликий кўрсатув.
22.00 "Даракчи".
22.10 Ёшлар.
22.15 — 24.00 Видео — "О".

ЎзТВ III

Замонавий ўзбек кўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
11.00 "Интердиалог".
11.40 "Календарда байрам кўнлари".
12.10 — 12.45 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".

19.30 — 20.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Хиндистон).
"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 Ўзбекистон телевидениесига Хитой телевидениеси кўнлари.
21.25 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.40 "Колумб кашф этган диёр". 1-кўрсатув.
22.20 "Туризм маршрутлари бўйлаб". Самарқанд.
22.50 "Бу ажиб дунё".
23.10 "Спорт, спорт, спорт".
23.25 "Уммондан томчи".
23.55 — 00.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.20 "Баскетбол жазавази". "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультифильмлар.
19.15 "Россия тароналари". Н. Мухаметзянов куйлайди (Қозон шаҳри).
19.40 "Бугун Россия. Салом!".
20.10 "Текс ва Сувоисти ҳокими". Бадий фильм (Италия).
22.00 — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув.

"Тошкентдан гапираниш ва кўрсатилиш" дастуридан:

Адбукарим ЎРОЗОВ

Пскент тумани ИИБ нозир Абдукарим Ўрозовни кеча ҳамкасблари дастлабки милиция лейтенанти унвони билан муборакбод этгандилар. Икки фарзанднинг отаси, 26 ёшли бу оловқалб йигит ўзининг хулқи, хушмуомалалиги, бурчга содиқлиги, балоғатга етмаган ёшлар билан тил топишиб, уларни ҳаёт йўлига сола билиши билан ҳурмат қозона

бошлаганди.

Лекин фожиали ўлим Абдукаримни драмиздан олиб кетди. Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Абдукарим Ўрозовнинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар. Унинг хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

Тўпроғинг енгил бўлсин, Абдукарим!



КЎПКУРАШ ҒОЛИБЛАРИ

Спорт

“ДИНАМО” ўйингоҳи ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг спорт базасида икки кун давомида хизмат кўпкураши бўйича гоятда мароқли мусобақалар бўлиб ўтди. У Тошкент шаҳар “Динамо” физкультура жамоалари ўртасидаги 3-Спартакиада дастурига асосан ўтказилди.

Ўзбекистон “Динамо” жамиятининг кўча кубоги учун ўн иккита жамоа беллашди. Биринчи кун 100, 1000 ва 3000 метрлик масофада енгил атлетика бўйича, иккинчи кун эса — жанговар қуролдан отиш ва 100 метрга сузиш бўйича мусобақалар ўтказилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва Тошкент

шаҳар ИИББ жамоалари ўзларини кўрсатдилар, бошқа жамоалар ҳам умуман олганда дуруст натижаларга эришдилар.

Кўпкураш якунилари бўйича биринчи ўринни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг жамоаси эгаллади, унга имтиёзли кубок топширилди. Республика ИИБ Ўт ўчириш-техника олий мактабининг жамоаси иккинчи, республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг вакиллари эса учинчи ўринни эгаллади.

Шахсий синовда очколар икки еш тоифасига қараб ҳисобланди. Биринчи еш гуруҳида (35 ешга қадар) республика ИИБдан Ю.


Николенко ғолиб чиқди, иккинчи ва учинчи ўринларни республика МХХ вакиллари С. Ничипуренко ва С. Филинов эгаллади. Иккинчи еш гуруҳида (35 ешдан ошганлар) биринчи ва иккинчи ўринларни республика МХХ вакиллари Р. Мусин ва Г. Жаворонковлар эгалладилар, учинчи ўринга Республика ИИБ Ўт ўчириш-техника олий мактабидан В. Циганов сазовор бўлди.

Мусобақанинг барча совриндорларига қимматбаҳо совғалар, диплом ва эсдалик медаллари топширилди. Республика МХХ жамоасининг мусобақаларда аъло даражада қатнашганини яна бир марта таъкидлаб, унга янги-янги зафарлар тилаймиз.


Спартакиада мусобақаларини ўтказиш учун ажойиб шарт-шароит яратиб берган Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг жамоаси ва раҳбариятини алоҳида тилга олиш зарур. Ҳозир Спартакиада дастуридаги волейбол бўйича мусобақаларга тайёргарлик кетмоқда. Ким ғолиб чиқаркин?

М. БУДАГОВ,
ички хизмат капитани.

Суратда: мусобақадан лавҳа.
Муаллиф олган сурат.



БОШҚОТИРМА



Ҳурматли муштарий! Шақлдаги рақамларда XII — XIII асрларда яшаб ўтган мутафаккир шоир, олим, “Ҳақиқатлар армуғони” шеърий асари муаллифи Аҳмад Югнакийнинг икки мисра ҳикмати яширинган. Уни аввал очқичдаги сўзларни топиб, жавоблар асосида билиб олишга ҳаракат қилинг.

- Очқич: 1. Аҳолиси энг кўп давлат пойтахти — 16, 17, 5, 1, 7.
2. Тиниш белгиси — 9, 3, 10, 14, 11.
3. XVII асрнинг иккинчи ярми, XVIII асрнинг бошларида яшаб, ижод этган ўзбек мумтоз шоири — 15, 2, 13, 10, 2, 8.
4. Пўлат ҳосил қилишда ишлатиладиган қотишма металл — 21, 3, 18, 7.
5. Уруғидан дори тайёрланадиган аччиқ таъмли доривор ўсимлик — 19, 2, 7, 20, 2, 4.
6. Шеърийат тури — 22, 2, 12, 2, 4.
7. Еқилги тури — 6, 2, 12.

Ф. ОРИПОВ тузган.

Газетамизнинг 71-72 сонида босилган бошқотирманинг жавоблари:

Энига: 5. Тошқин. 6. Меъмор. 8. Амаду. 9. Жоду. 11. Марс. 12. Канарейка. 15. Кино. 16. Асад. 17. Денов. 19. Нишона. 20. Анқара. Бўйига: 1. Чорвоқ. 2. Хива. 3. Неру. 4. Зоғора. 7. Самарқанд. 10. Уламо. 11. Макка. 13. Чирчиқ. 14. Сайёра. 17. Дина. 18. Вена.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Самарқанд вилоят Оқдарё тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1981 йилда туғилган Михаил Викторович Федосеев қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 17 сентябрь куни Оқдарё тумани Лош қўргониде жойлашган 63-ёрдамчи болалар уйидан чиқиб кетган ва бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 120-130 см., сочи оч малла рангли, кўзи ҳаворанг. Алоҳида белгилари: иккала кўзи

ҳам бурни томонга қараб қийшайган, бўйнида жарроҳликдан қолган чандиқ бор, “Дауния” касаллиги асорати қолган, фақат “Мама” “Лидия”, “Тания”, “Витя” деб гапира олади.

М. Федосеевнинг кейинги тақдирдан хабардор фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1976 йилда туғилган, Тошкент темир йўл тиббий билим юрти талабаси Эльвира Шерниёзовна Низомова қидирилмоқда. У 1994 йилнинг 5 сентябрь куни уйдан билим юртига кетган ва шу кўйи бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 150-155 см. атрофида, озгиндан келган, юз тузилиши тўртбурчаксимон, даҳани калта, кўзлари қора ва қисик, сочи қора ва елкасига тушади, қоши қора ва ингичка-ёйсимон, бурни кичкина ва япалоқ, оғзи ўртача, лаблари қалин, кулоғи кичкина ва тешилган, тишлари бутун.

Кийими: эғнида ипакдан тикилган жигарранг костюм-юбка, кўлида қора рангли, узун бандли сумка, оёғида оқ рангли шиппак бўлган.

Алоҳида белгиси: ўнг кўзининг тағида ярадан қолган тиртиқ бор. Э. Низомовани кўрган-билган



фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



“Ҳазортут” қишлоғида яшовчи Зокир Самиевич Амонов қидирилмоқда. У 1994 йил 9 июль куни эрталаб иш жойи — жамоа хўжалиги бошқаруви идорасидан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см., ўртача гавдали, сочи ва кўзи қора.

Кийими: эғнида кўк рангли энги калта кўйлак, кўк рангли шим, оёғида сариқ-қизғиш рангли босоножка бўлган.

Алоҳида белгилари: лабининг ўнг томони устки қисмида 1,5 см.ли, ўнг томон курағида жарроҳликдан қолган ва кўричақдан сўнгги чандиқлари бор, ўнг буйрағи ҳам жарроҳлик йўли билан олиб ташланган.

З. Амоновнинг кейинги тақдирдан бохабар фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Бухоро вилоят, Ромитан тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1961 йилда туғилган, Ромитан тумани, Иби Сино номли жамоа хўжалиги,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент Давлат юридик институти ректори, академик Ш. З. Ҳазратов турмуш ўртоғи

Фаузия ТАРХАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби истефодаги милиция подполковниги

Сергей Андреевич ШМАНЕНКОнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ходими, милиция катта лейтенанти Зуфаржон Юлдашев ва унинг яқинларига отаси

Зокиржон ЮЛДАШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Енгиндан сақлаш бошқармаси раҳбарияти ва 16-ХЕСҚ шахсий таркиби қисм инспектори, ички хизмат лейтенанти

Забихулло Фатхуллаевич УБАЙДУЛЛАЕВнинг

фожиали ҳалок бўлганлигини маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Неймат Ҳикматович Қудратовга отаси — ИИБ нафақадори, истефодаги милиция подполковниги

Ҳикмат ҚУДРАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Мухаррир
З. ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума
кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Кўлемсиз таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.

Буюртма Г — И56

Ҳажми — 2 босма табоқ.

Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш вақти — 19.00.

Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
39.494 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:

муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари
— 39-77-23, масъул
котиб — 59-20-96,
муҳбирлар бўлими —
59-26-56, умумий
бўлим — 59-21-21.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.